

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

*«Ҳимояга тавсия этилади»
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.
Уразов К.Б. _____
«___» _____ 2019 йил*

ЯҲЁЕВ ТҶЛҚИН ИСМАТУЛЛА ЎҒЛИНИНГ

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР АУДИТИ

(Самарқанд вилояти туристик ташкилотлари мисолида)

5А 230902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун
ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

проф.Р.А.Абдуллаев

САМАРҚАНД-2019

Мундарижа:

	Кириш.....	3
I-БОБ.	Туристтик хизматлар аудитининг назарий асослари.	
1.1.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил этишнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.....	11
1.2.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ахборот манбалари.....	19
II-БОБ.	Туристтик хизматлар аудитининг ташкилий ва методологик жиҳатлари.	
2.1.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни режалаштириш, аудиторлик режаси ва дастурини тузиш	26
2.2.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ўтказиш тартиби.....	39
2.3	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъект аудитини аудитнинг халқаро стандартларига мослаштириш масалалари.....	64
III-БОБ.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар аудитидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари.	
3.1.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларни текширишдаги камчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари.....	72
3.2.	Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни такомиллаштириш.....	81
IV-БОБ	Туристтик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари.	
4.1	Меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги масалалари.....	85
4.2	Ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлар.....	86
	Хулоса ва таклифлар.....	88
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	91
	Иловалар.....	

Кириш.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги иқтисодиётимизни ҳар бир соҳасини ривожлантириш бўйича мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган барча ислохатлар ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Бу ислохатлар самараси натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан йилга ўсиб, ривожланиб, мустаҳкамланиб келмоқда. Бунини қуйидаги кўрсаткичларда ҳам яққол кўришимиз мумкин.

2018 йил ялпи ички маҳсулот ҳажми 407,5 трлн. сўмни ташкил этди ва 2017 йил билан таққослаганда 5,1% га ўсди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЙИМ 12,3 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3% га ўсди. 2018 йил якунлари бўйича, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва метални қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 24,5% ни ташкил этди. Озиқ овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 17,0%, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш — 16,1%, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш — 11,3%, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 9,2%, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш — 7,4%, электр ускуналар ишлаб чиқариш — 3,5% ва Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш — 11,0% ни ташкил қилди.

Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилиниб юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Хусусан туризм соҳасида жуда катта ислохатлар олиб борилмоқда. Туризм соҳаси улуши 2018 йилда дунё ЯИМининг 10,4 %ини ташкил қилди, ушбу соҳада ўсиш сурати ахборот технологиялари соҳасига қараганда 2 барабар юқори натижа

кўрсатди. Жаҳон туризм кўмитаси йиллик ҳисоботида кўра, 2018 йилда туризм бозорининг умумий қиймати 8,8 триллион долларни ташкил қилди, соҳада сўнгги 8 йилда тўхтовсиз ўсиш кузатилмоқда. 2018 йилда туризм соҳасида + 3,9 ўсиш кузатилган. Туризм соҳасининг умумий даромадидан 71,2 % - бу ички сайёҳлар улуши, қолгани эса – хорижий сайёҳлардан олинган даромадлардир. Соҳада ўтган йил бутун дунё бўйича 318 миллион киши ишлаган (ҳар 10 иш ўрнидан бири) ва сўнгги 20 йилда туризм соҳасида 20 % янги иш ўринлари яратилган. Ҳисоботда айтилишига кўра, туризм соҳаси келгуси 10 йил давомида ривожланиш давом этади ва келажакда кўшимча 100 миллион янги иш ўринлари яратилади.

Мамлакатимизда алоҳида этибор бериладиган соҳа бу туризм соҳасидир. Бунга мамлакатимиз президенти тамонидан 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326 сон Президент фармони келтиришимиз мумкин. Ушбу фармонга мувофиқ туризм корхоналарига 2018 йил 10 февралдан 3 йил муддатга қуйидаги имтиёзлар жорий қилинди.

1. Иш берувчининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари ходимнинг даромади сифатида кўриб чиқилмайди ҳамда юридик шахсдан олинadиган фойда солиғи ҳисоблаб чиқишда чегириб қолинади.
2. Жисмоний шахсларнинг солиқга тортиладиган даромадлари Ўзбекистон бўйлаб туристик йўлланмаларни туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан сотиб олишга йўналтирилган харажатлар суммасига камайтирилади. Бунда туристик йўлланма (айирбошланадиган ваучер), авиа ва темир йўл чипталари, автотранспорт ташкилотларининг ҳисоб фактуралари (чипталари) ва жойлаштириш воситалари чеклари тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

3. Туризм соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларнинг солиқ солинадиган базаси Ўзбекистон туризм бренди ва “Ўзбекистан.травел” сайти босма маҳсулотларни (хариталар, рисоалар, буклетлар, флайерлар ва бошқалар), сувенир ва қадоклаш маҳсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтарлари, ёрлиқлар, ғилофлар, кийим кечаклардаги ва ошхона анжомидagi ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтириладиган харажатлар суммасига камайтирилади.
4. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси фуқороларига туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш учун 10 миллион сўмгача истеъмол кредитларини ажратиш ва кредитни иш ҳақи ҳисобидан қоплаш имкониятини бериш тавсия қилиш.
5. Туризм объектлари (меърий ёдгорликлар ва бошқалар) ҳамда инфратузулмаси (меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ва бошқалар) жойлашган жойларнинг белги ишоралари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган тематик туристик хариталар ададини кўпайтириш ва уларни тарқатишга картография ишларини амалга ошириш учун лицензия олиш талаб этилмайди ва бошқалар¹.

Биз туризм соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатларини келтиришимиз мумкин. Ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимизга инвестициялар оқими кўпайиб бормоқда. Эндиликда хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга олиб кириладиган инвестициялар оқимини янада кўпайтириш учун олдимизга қўйиладиган вазифалардан бири бу корхоналар молиявий ҳисоботини халқаро талабларга мослаштириш ва ушбу ҳисоб маълумотларини ҳаққонийлиги ва реаллигини тaminлашдан иборат ҳисоблангади. Мамлакатимиз Президентининг этиборидан ушбу йўналиш ҳам четда қолгани йўқ. Бунга мисол қилиб

¹ 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт шaroитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326 сон Президент фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу қарорга мувофиқ 2020 йил 1 январдан аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширилади.²

Ушбу қарорда бундан ташқари аудиторлик фирмалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга берилган қўшимча имкониятлар ва уларга юклатиладиган мажбуриятлар, бундан ташқари ёш аудиторларни тарбиялаш, аудитор бўлиш истагида бўлганларга қўшимча имкониятлар белгиланган.

“Бухгалтерия” ва “аудит” мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган аудитор малака сертификатини олишга талабгорлар учун аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлиши мумкин³.

Ушбу қарорнинг амалиётга тадбиқ қилиниши туристик корхоналарга қуйидаги имкониятларни яратади.

1. Туристтик корхоналар ўз фаолияти бўйича ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан тузади, бунинг натижасида ривожланган мамлакатларда мавжуд фирмалар фаолияти ва ўз фаолиятини солиштириш имкониятига эга бўлади,
2. Халқаро стандартларга асосан тузилган аудиторлик хулосаси инвестиция киритиш истагида бўлган инвесторда иккиланишларни қолдирмайди,
3. Туристтик фирмаларни жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари ошади.

² “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

³ “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Мамлакатимизда ушбу қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизга инвестициялар оқимининг ошишига ва мамлакатимиз иқтисодиётининг янада гуллаб яшнашига сабаб бўлади.

Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд вилояти туристик ташилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ва ушбу ҳўжалик юрутувчи субъектда аудиторлик текширувини амалга оширган аудиторлик ташкилоти маълумотлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб туристик хизмат кўрсатувчи субъектларнинг бухгалтерийа ҳисоби ва аудитини ҳуқуқий-меъёрий асослари, шунингдек, аудитни ўтказишда юзага келадиган айрим муаммоларни бартараф қилиш йўллари аналдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади бўлиб туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ташкил қилишнинг назарий асосларини ўрганиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ўтказиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, уларни таҳлил қилиш;
- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ўтказишда қўлланиладиган методикасини ўрганиш ва фикр бериш;

- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текшуридан ўтказишни ташкил этиш масалаларини мукамал ўрганишдан иборатдир.

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топган.

- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ташкил қилишнинг назарий асослари очиб берилди;
- бозор иқтисодиёти шароитида туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ўтказиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқланди ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;
- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ташкил этишнинг ўзига хос хусусийатларини аниқланди ва улар таҳлил қилинди;
- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини ўтказишда қўлланиладиган методикасини ўрганилди ва фикр бериб ўтилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳалари бирдек ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ туризм соҳасида жуда улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Туризм соҳасининг жадал ривожланиши айнан ушбу соҳага инвестиция оқимини кўпайишига, инвестирларга эса инвестиция олиб кирилаётган объекти тўғрисида аниқ ва ишонарли ахборотга эҳтиёж туғилади. Айнан ушбу жараёнда аудитнинг ўрни жуда йуқоридир. Тадқиқотнинг асосий масалаалри бўлиб туризм соҳасида аудитнинг ўрнини алоҳида кўрсатиб бериш, келажакда туризм соҳасига аудитнинг таъсирини таҳлил қилиш, аудитнинг мақсад ва вазифаларини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларнинг обектив ечимини ишлаб чиқишда иқтисодчи олимларимизнинг ўз фикр ва мулоҳазалари баён қилинган илмий мақола, рисола ҳамда илмий асарлари чоп қилинган. Хусусан, Ўзбекистонлик олимлардан К.Уразов, А.Сотволдиев, Н.Жўраев, А.Жуманов, А.Ибрагимов, А.Пардаев, З.Маматов, Б.Хасанов, И.Абдукаримов, М.Пардаев, А.Ваҳобов, И.Иброҳимов, Р.Дўсмуратов А.Ахмаджанов, М. Рахимовларнинг ҳам илмий ишларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, хорижлик иқтисодчилар Г.В. Савитская, И.А. Напетова, Э.А. Соболева, А.Н. Багатко, А.А.Бакаев, М.И.Кутер, Н.П.Кондраков, С.А.Николаева, Н.Н.Селезнова, Л.Р.Смирнова, А.Д.Шеремет каби иқтисодчи олимларнинг махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам ўз аксини топган. Албатта, бу олимларнинг илмий ва услубий ишлари ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертатсияда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, саралаш, таққослаш, индуктсия ва дедуктсия ҳамда бошқа иқтисодий-математик усуллар қўлланилди. Тадқиқот иши тўлиқ ва аниқ ёритилиши учун юқоридаги келтирилган усуллар ўзининг ижобий самарасини берди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқот иши натижаларидан олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтисодчи талабаларга бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Диссертатсия ишида келтирилган фикр-мулоҳазаларни хўжалик юритувчи субектлар фаолиятига тадбиқ қилиш, уларда бухгалтерийа ҳисоби ва аудитини ташкил этишга ёрдам беради деб ўйлаймиз. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобининг маълумот бериш ва назорат қилиш вазифаларини мукаммаллаштиради. Натижада улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишга замин яратади. Диссертатсияда келтирилган таклифлар ва тавсияларни амалиётда қўллаш республикамызда фаолият юритувчи аудиторлик ташкилотларида туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар

фаолияти аудитини такомиллаштириш имконини беради. Илмий ишда билдирилган таклифлар ва тавсияларни аудиторлик текширувларини ташкил қилишда ҳамда мавзуга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Диссертация ҳажми: Тадқиқот кириш, тўртта боб, тўққиста қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I-БОБ. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.

1.1 Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил этишнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Туризм соҳаси хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида бир бўғини бўлиб мамлакат ялпи ички маҳсулотида ва мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида ўрни мавжуддир.

Турист - жисмоний шахснинг доимий истеъжомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши);

Турист - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс;

Туристик фаолияти - ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият.

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар маълум бир белгича турлича таснифланиши мумкин.

Мулкий шакли ва юридик мақомига кўра туристик ташкилотлар очик акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналари бўлиши мумкин. Ушбу мақомдаги туристик ташкилотларни тузиш ва улар фаолиятини юритиш республикамізда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек ушбу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Номланишига кўра ҳам туристик ташкилотлар турличадир. Чунончи, уларнинг энг кенг тарқалган номлари бўлиб туристик-меҳмонхона мажмуаиси, туристик фирма, туристик база ва бошқалар ҳисобланади.

туристик ташкилотларга бундай номни берилиши негизда, авваламбор, уларнинг туристларга хизмат кўрсатиши ётади.

Фаолият юритиш доирасига кўра туристик ташкилотлар ички ва ташқи (халқаро) туристик ташкилотларга бўлинади. Ички туристик ташкилотлар фақат республика ҳудудида, ташқи (халқаро) туристик ташкилотлар эса ҳам ички, ҳам мамлакат ташқарисида туризмни ташкил этиш бўйича ўз фаолиятини юритадилар.

Ихтисослашганлигига кўра туристик ташкилотлар махсус ва универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, тоғ туризми, махсус денгиз туризми, кўхна обидалар туризми, экотуризм ва бошқа шу каби туризмнинг махсус турлари билан шуғулланувчи туристик ташкилотлар мавжуд. Айрим туристик ташкилотлар кўп тармоқли, яъни универсал ташкилотлар бўлиши ҳам мумкин.

Ходимларининг сонига кўра туристик ташкилотлари микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра туризм соҳасида микрофирмалар бўлиб ходимларининг сони 10 тагача, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 25 тагача, ўрта корхоналар бўлиб ходимларининг сони 100 тагача ва йирик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 100 дан ошиқ бўлган корхоналар ҳисобланади.

Таъсисчиларининг таркибига кўра туристик ташкилотларни маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлиш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги туристик ташкилотлари устав капиталининг миқдори энг камида 150000 АҚШ доллари миқдорида бўлиши лозим. Хорижий инвестициялар иштирокидаги туристик ташкилотларнинг устав капитали фақат хорижий таъсисчилар, шунингдек маҳаллий ва хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топади. Маҳаллий туристик ташкилотлар устав капиталининг миқдори ташкил этилган санадаги энг кам иш ҳақининг 400 бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Туристтик фаолиятни бажаришдаги ўрнига кўра туристик ташкилотлар

туроператор, туристик вакил (турагент) ҳамда ҳар иккаласини ўзида мужассамлаштирган ташкилотларга бўлинади.

Илмий адабиётларни ўрганиш жараёнида туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар барча адабиётларда турлича таснифланганлигини гувоҳи бўлдик. Масалан, Худойбердиев.Н.У туристик хизмат кўрсатувчи субъектларни қуйидагича таснифлаган.

Туристтик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг таснифи

1-жадвал⁴

Туристтик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларлар	
Мулкый шакли ва мақомига кўра	акциядорлик жамиятлари
	масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ)
	хусусий корхоналар (фирмалар)
	давлат унитар корхоналари
Номланишига кўра	туристик ташкилот
	туристик фирма
	туристик меҳмонхона
	туристик-меҳмонхона мажмуаси
	отель, мотель, кемпинг, туристик база ва бошқалар
Фаолият юритиш доирасига кўра	ички туристик ташкилотлар
	ташки (халқарр) туристикташкитотлар
Ихтисослашганлигига кўра	махсус туристик ташкилотлар
	универсал туристик ташкилотлар
Ходимларининг сонига кўра	микрофирмалар
	кичик корхоналар
	йирик корхоналар
Таъсисчиларининг таркибига кўра	хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар
	маҳаллий корхоналар
Туристтик фаолиятни бажаришдаги ўрнига кўра	тур операторлар
	тур вакиллар (агентлар)
Аудит кўригининг мажбурийлигига кўра	аудит кўригидан мажбурий ўтувчилар
	аудит кўриги мажбурий бўлмаганлар

⁴ Худойбердиев Н.У. Туристтик меҳмонхона мажмуалари иқтисодиёти, уларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Самарқанд 2010 й.

Экскурсия фаолияти - туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этиш.⁵

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунидаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида: «туристик хизматлар—туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар», - деб таърифланади. Қонуннинг 11-моддаси: «Туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи»,-деб номланиб, унда қуйидаги фикрлар баён қилинади - «туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади. Туристик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади», - дейилади.

Қонуннинг 10-моддаси: «Туристик хизматларни сертификатлаштириш»,-деб номланиб, унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Туристик хизматларни сертифи-катлаштириш ва сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Туристик фаолият субъектининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек, сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишига ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999-йил 20-августда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги қонуни. 3-моддаси.

бўлади».

Қонуннинг 12-моддаси: «Туристтик хизматлар кўрсатиш шартномаси», - деб номланиб, қуйидаги фикрлар баён этилади: «Туристтик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади. Шартномада кўрсатилган хизматларнинг кўлами ва сифати, тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди». Қонуннинг 13-моддаси: «Туристтик йўлланма (ваучер)», - деб номланиб, унда: «Туристтик йўлланма (ваучер) - туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат», - дейилади.

Турист туристик маҳсулотлар (туристик хизматлар, иш ва товарлар) истеъмолчисидир.

Туристтик маҳсулотлар-туристик хизматлар (бронлаштириш, олиб ўтиш, жойлаштириш, овқатлантириш, ўйинлар), туристик ишлар (фото хизмати, суғурта, ахборот, молия, банк хизмати), туристик товарлар (эсдалик совғалар, хилма-хил тур товарлари, истеъмол товарлари- парфюмерия, тамаки, спиртли ичимликлар, маиший техника, кийим-кечак)дан иборатдир.

Туристтик хизматлар - турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характериға ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганлигига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифиға кўра, туристик хизматлар - туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Туристтик маҳсулот туризм мақсадлари ва жараёнида туристнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган, энг камида иккита ёки ундан

кўпроқ бирламчи ёки кўплаб туристик хизматлар, ишлар, товарлар ва таъминот воситалари, бошқа туристик заҳиралардан ташкил топган туристик хизматлар, ишлар ва товарлар (турпакет, туристик хизматлар пакети) нинг тартибга туширилган ҳамда мақсадга йўналтирилган мажмуидан иборат.

Туристтик маҳсулот (турпакет) хизматлар ҳаракатининг 24 соатдан ортиқ вақтига эга ва ёки тунаб қолиш (жойлаштириш) ва жойдан -жойга кўчиб ўтиш (юк ташиш) ни ўз ичига олади. Туристтик маҳсулот барча кўрсатилган хизматлар ва барча ҳаражатларни ўз ичига олган умумий нарх бўйича таклиф этилади, унинг истёмоли хусусиятлари эса шартнома шартларига мос келади.

Агар туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини синчиклаб кузатадиган бўлсак, унда туризм ташкилотчилари айнан хизмат кўрсатиш билан эмас, балки улар туристларнинг эҳтиёжларига қараб туристик хизматларни жамлайдилар ва уларнинг комбинатсияларини тузадилар, банд қиладилар, бунинг эвазига улар фоиз кўринишида мукофот оладилар. Шундай қилиб, туризм ташкилотчилари туристлар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида воситачи вазифасини ўтайдилар. Туризм ташкилотчилари нима билан савдо қиладилар ва туристик йўлланма ёки ваучерни ҳарид қилган турист бевосита нимага эга бўлади деган савол туғилади. Агар ушбу жараённи диққат билан ўрганилса, унда турист ушбу йўлланма ёки ҳужжатнинг бошқа тури эвазига келажакда туристик хизматдан (ўрнатилган муддатда) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу ҳолда туристик маҳсулотнинг янги таърифи пайдо бўлади. Туристтик маҳсулот - турга бўлган ҳуқуқдир.

Туристтик маҳсулотга турга бўлган мавжуд ҳуқуқни бериш унинг мазмунини торайтиради ва унинг табиий ва ҳуқуқий табиатига зиддир.

Шундай қилиб, «туристик маҳсулот турга бўлган ҳуқуқ» ўзининг ички табиати бўйича тор маъно касб этади, чунки уни ташкил этувчи мураккаб пакетдаги муносабатларнинг фақат камгина қисмини таърифлайди. Туристтик маҳсулот - турга бўлган ҳуқуқ, ўзининг жисмоний моҳияти бўйича хизматлар, ишлар ва товарлар; сертификатсиялаш, яъни сифат

муносиблигини баҳолаш мажмуасига ҳуқуқ эмас, балки аниқ хизматлар, ишлар ва товарлар мажмуйидир.

Тур - бу аниқ тавсифлар, географик маршрут ва маълум вақт оралиғида уни ўтиш тартиби, хизматлар кўрсатиш муддати таркиби ва сифати, туризм ташкилотчиси томонидан мақсадга йўналтирилган ва тартибга солинган керакли ва етарли туристик хизматлар, ишлар, товарлар, туристик маҳсулотларнинг тўплами бўлиб, улар энг камида туристик маҳсулотнинг иккита турли таркибини (масалан, жойлаштириш ва юкларни ташиш ва бошқ.) ўз ичига олган бўлади, турни амалга ошириш жараёнида турист эҳтиёжларини қондириш учун етарли таъминот ва барча зарурий ва етарли унсурлари мавжуд бўлган яхлит нарса сифатида туристик бозорда сотиш учун таклиф этилади.

Туроператорлар - туристик маҳсулотни шакллантиришни (тузиш ёки лойиҳалаш), уни бозор томон ҳаракатини, шунингдек реализатсия қилинишини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Туристтик агентликлар (турагент) - бу истеъмолчига, яъни туристга ёки мижозларга айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар сингари туристик фирмалар ҳам аудитнинг муҳим субъектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги туризм соҳасига бўлган этиборнинг ортиши ва туризм соҳасига кўплаб хорижий инвестицияларни олиб келиниши муҳимлилик даражасини янада оширди.

Аудит — мустақил малакали мутахассислар тамонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотларни уларни қонун ва қонун ости ҳужжатларига мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса бериш мақсадида тадқиқ этилишидир.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текшируви ташкилий шаклига кўра уч турга бўлинади.

1. Мажбурий аудит,
2. Ташаббус тарзидаги аудит,

3. Юқори ташкилотлар ташаббусига кўра.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текширувини амалга оширишдан мақсад хизмат кўрсатувчи субъектда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисоби ва фаолиятини мамлакатимизда мавжуд қонун ва қонун ости ҳужжатларига мослигини текшириш ҳамда тегишлича хулоса, ҳисобни яхшилаш ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишлича таклифлар бериб ўтишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудити олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- туристик фирмаларни ташкилий ҳуқуқий шакли ва олиб бораётган фаолият турларининг мослигини текшириш,
- туристик фирмаларда активлар ҳолати ва ҳаракатини аудиторлик текширувидан ўтказиш,
- туристик фирмаларда фирма мажбуриятларини аудиторлик текширувидан ўтказиш,
- туристик фирмаларда фирманинг хусусий капитали ҳолати ва ҳаракатини аудиторлик текширувидан ўтказиш,
- туристик фирмаларда таминот жараёнини аудиторлик текширувидан ўтказиш,
- туристик фирмаларда хизмат кўрсатиш жараёнини аудиторлик текширувидан ўтказиш,
- туристик фирмаларда хизматларни сотиш жараёнини ҳамда молиявий натижаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш,
- аудиторлик натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

1.2 Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ахборот манбалари.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари дейилганда туристик хизматлар кўрсатишни ва аудиторлик фаолиятини амалга оширишни малум тартиб қоидаларини ўз ичига олган мамлакатимизда амалда бўлган барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари мажмуи тушунилади.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

2-жадвал

1-гуруҳ	Қонунлар
2-гуруҳ	Президент фармонлари ва қарорлари
3-гуруҳ	Йўриқномалар ва қонун ости ҳужжатлари
4-гуруҳ	Корхонанинг ички тартибини сақлаш учун корхонада ишлаб чиқилган ҳужжатлар

Ушбу қонун ҳужжатлари таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
2. Солиқ кодекси,
3. Меҳнат кодекси,
4. Фуқоролик кодекси,
5. Оила кодекси,
6. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун,
7. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун,
8. “Туризм тўғрисида”ги қонун,
9. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари,

- 10.Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари,
- 11.Аудитнинг халқаро стандартлари,
- 12.“Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисидаги 54-сон Низом;
- 13.«Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори,
- 14.Бошқа қонун ҳужжатлари.

Ушбу қонун ҳужжатларини туризм фаолиятини ва аудиторлик фаолиятини олиб боришда алоҳида ўрни мавжуддир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу бизнинг қомусимиздир. Ҳар бир қонун ҳужжати ишлаб чиқилиш жараёнида бирламчи асос қилиниб Конституция ҳисобланади ва ундан четга чиқилмайди. Мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва 2007 йил 25 декабрда қабул қилиниб 2008 йил 1 январга амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси туристик фирмаларни солиқ тўловчи сифатида тартибга солиб туради. Солиқ Кодекси орқали туристик фирмани солиқ тўлаш тизими, туристик фирма орқали тўланиши лозим бўлган солиқ турлари, ушбу солиқ турларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ва корхонанинг солиқ бўйича бошқа тур муносабатлари тартибга солиниб туради. 21 декабр 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси орқали эса туристик ва аудиторлик фирмаларидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиб туради. Меҳнат кодексининг 4-моддасида меҳнатга оид муносабатларни қонунлар ва шартномалар асосида тартибга солишнинг ўзаро боғлиқлиги⁶ келтирилган бўлса 7-моддасида мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши⁷ келтириб ўтилган.

Президентнинг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 4-моддаси – 21 декабр 1995 йил.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 4-моддаси – 21 декабр 1995 йил

тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда қуйидагилар ўз аксини топган.
Аудиторлик ташкилотларига талаблар

2019 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик ташкилотларига талаблар енгиллаштирилади.

Биринчидан, улар учун аудиторлик фаолиятига лицензия олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 3 ой муддат белгиланди. Агар бу бажарилмаса, ўз номида «аудиторлик ташкилоти» сўзларидан фойдаланиш тақиқланади.

Иккинчидан, аудиторлик ташкилотларининг лицензиялари универсал бўлади — уларга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказишга рухсат берилади. Ҳозирги вақтда лицензиялар аудиторлик текширувларининг қуйидаги турларига алоҳида берилади:

фақат ўз ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини амалга оширишга;

хўжалик юритувчи субъектларни ўз ташаббусига кўра ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширишга, акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно;

барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувларини амалга оширишга.

Учинчидан, аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдори бекор қилинмоқда. Ҳозирги кунда турли текширувларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш учун устав капиталининг қуйидаги миқдорларини шакллантириш талаб этилади:

фақат ўз ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини амалга оширишга — 1 500 ЭКИХ;

хўжалик юритувчи субъектларни ўз ташаббусига кўра ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширишга, акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно — 3 000 ЭКИХ;

барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувларини амалга оширишга — 5 000 ЭКИХ.

Бундан ташқари, устав жамғармасини ҳар қандай мол-мулк билан шакллантиришга рухсат берилади. Ҳозир унинг миқдорининг 50%и пул маблағлари билан тўланиши керак.

Тўртинчидан, аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида 4 нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади. Ҳозир текширувларнинг турига қараб бу сон 2 дан 6 нафаргача штатдаги аудиторларни ташкил этади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий аудиторлик текширувларидан ўтказиш учун улардан бири халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши керак (аудиторларнинг малакасига янги талаблар тўғрисида қуйига қаранг). Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг 3 йилда 1 марта мажбурий аттестациядан ўтиши тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

Фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари 2019 йилнинг 1 апрелига қадар ўз штатларини янги талабларга мувофиқ келтиришлари даркор.

Бешинчидан, Молия вазирлиги аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар 3 йилда камида 1 марта аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назоратдан ўтказади. Мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи ташкилотларни ташқи назоратдан ўтказиш натижалари Молия вазирлиги веб-сайтида эълон қилинади.

Аудиторлик фирмалари ҳам ўз веб-сайтларида ёки аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб-сайтларида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда эълон қилади. Худди шундай маълумотлар ҳар йили 1 июлга қадар ДСК сайтида жойлаштирилади.

Фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари учун 2019 йил 1 январга қадар муддатда лицензияларни қайта расмийлаштириш назарда тутилган.

Аудиторларга талаблар

Аудитор малака сертификати:

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда дастлаб 5 йиллик муддатга берилади;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда навбатдаги муддати 10 йилга узайтирилади;

10 йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажы мавжуд бўлганда кейинчалик малака имтиҳонини топширмасдан муддатсиз даврга узайтирилади.

«Бухгалтерия ҳисоби» ёки «аудит» мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган аудитор малака сертификатини олишга талабгорлар учун аудиторлик ташкилотида 1 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлган тақдирда истисно қилинади.

Ҳозир Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўқитиш дастури асосида аккредитация қилинган нодавлат таълим муассасаларидан бирида ўқитишдан ўтишлари талаб этилади ва халқаро бухгалтер сертификати мавжудлиги ўрнига миллий сертификатга йўл.

Аудиторлик текширувларини ўтказишга талаблар

2019 йил 1 январдан бошлаб кўпроқ аудиторлик ташкилотлари давлат корхоналарини текшириш имкониятига эга бўладилар. Шу санадан бошлаб устав капиталида давлат акциялари (улушлари) тўплами 50%дан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Давлат рақобат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат ичидан танлов асосида танлаш тартиби бекор қилинади.

Бироқ хўжалик юритувчи субъектнинг (давлат ва нодавлат) айнан битта аудиторлик ташкилоти томонидан кетма-кет 7 йилдан ортиқ муддатда текширилиши тақиқланади.

2020 йил 1 январдан эса мажбурий аудиторлик текшируви остига тушадиган ташкилотлар рўйхати кенгайтирилади. Уларга ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги 3 та шартдан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари киритилади:

активларнинг баланс қиймати ЭКИХнинг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум

ЭКИХнинг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

ҳодимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса.

Аудиторлик текширувлари фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширилади⁸.

Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда ушбу фаолият бўйича йиғиладиган ахборот манбалари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Аудитор учун қуйидагилар хўжалик юритувчи субъект тўғрисида ахборот олиш учун манба ҳисобланади:

1. Хўжалик юритувчи субъект устави;
2. Хўжалик юритувчи субъектнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатлар;
3. Хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув ва (ёки) ижроия органлари мажлислари, акциядорлар йиғилишларининг ёхуд бошқа шу сингари бошқарув органлари мажлислари баённомалари.

⁸ Президентнинг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ва унга ўзгартиришлар киритишни тартибга солувчи ҳужжатлар;
5. Бухгалтерия ҳисоботлари;
6. Статистика ҳисоботлари;
7. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш ҳужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар);
8. Хўжалик юритувчи субъектнинг контрактлари, шартномалари, битимлари;
9. Аудиторлар, маслаҳатчиларнинг ички ҳисоботлари;
10. Фирманинг ички йўриқномалари;
11. Солиқ текширувлари материаллари;
12. Суд даъволари материаллари;
13. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган ҳужжатлар, унинг филиаллари ва шўъба корхоналари рўйхати;
14. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ижрочи ходимлари билан суҳбатлардан олинган маълумотлар;
15. Хўжалик юритувчи субъектни, унинг асосий участкалари, омборларини кўздан кечиришда олинган ахборот.

Ушбу манбаларнинг тўлиқлиги аудиторлик текшируви натижаларининг сифатли бўлишини ва аудиторлик рескини камайишини тامينлайди.

II-БОБ. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ташкил этиш тартиби.

2.1. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни режалаштириш, аудиторлик режаси ва дастурини тузиш.

Ҳар бир фаолият турини юритишни малум тартиб тамоиллари мавжуд бўлгани каби аудиторлик фаолиятининг ҳам амалга оширишнинг малум тартиб тамоиллари мавжуддир. К.Б.Уразов тамонидан аудитни ўтказишни қуйидаги тўрт босқичга бўлиб кўрсатган.

3-жадвал⁹

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1- босқич	Аудитни бошлашга қадар бўлган босқич. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: • <i>аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади;</i> • <i>аудит ўтказувчи субъектга аудит ўтказишга аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади;</i> • <i>аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади, ушбу хатда аудит ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик хатари даражаси, кўрсатилади;</i> • <i>аудит ўтказиш бўйича шартлар ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади;</i> • <i>аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги белгиланади.</i> • <i>Аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.</i>
2- босқич	Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи. Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтказилади
3-босқич	Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир объект бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича

⁹ К.Б.Уразов. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ўқув қўлланма

	тавсиялар берилади.
4-босқич	Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ўтказишни қуйидаги кетма кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

4-жадвал

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудит ўтказиш кетма кетлиги		
№	Босқич номи	Бажариладиган вазифалар
1	Текширув олиб борилаётган субъект фаолияти ва текшириш учун мўлжалланаётган объект кўламини ўрганиш ва шартнома имзолаш	Ушбу босқичда аудитор тамонидан текширув олиб борилаётган субъект фаолияти ўрганилиб, текшириш учун мўлжалланаётган объект кўламини, камраб олинган давр, аудиторлик хатари даражаси ва ушбуларга асосан шартнома суммаси белгиланади
2	Аудитор тамонидан режа ва дастур ишлаб чиқилади	Аудитор тамонидан аудиторлик текширувини маълум кетма кетликда олиб бориши учун ва бажариладиган вазифаларни аниқ тақсимлаш учун аудиторлик режаси ва дастури ишлаб чиқилади.
3	Аудиторлик текширувини амалга ошириш босқичи	Аудиторлик режаси ва дастури асосида аудиторлик текшируви амалга оширилади, аудитор текширув жараёнини аудиторлик ҳисоботида акс эттириб боради, аудиторлик режаси ва дастурида белгиланган усуллар асосида аудиторлик текшируви олиб борилади.
4	Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва жамлаш босқичи	Ушбу босқичда ҳар бир текширув олиб бораётган аудитор текширув натижалари тўлиқ аудиторлик ҳисоботида акс эттирилади, барча аудитор ишлари жамланади, аниқланган камчиликлар муҳокама қилинади ва ушбу камчиликларни бартараф қилиш ҳамда корхонада бухгалтерия ҳисобини яхшилаш бўйича тавсиялар бериб ўтилади.
5	Аудиторлик хулосасини бериш	Барча амалга оширилган вазифалар ва улардан олинган натижалар асосида аудиторлик хулосаси берилади.

Юқорида келтириб ўтганимиз каби туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текширувини дастлабки босқичи бу буюртмачи ва аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган шартнома бўлиб ҳисобланади. Кўрсатилаётган хизмат нархи аниқланаётганда аудиторлик иш кўлами баҳоланади ва нарх шунга асосан белгиланади.

Туристтик корхона фаолиятини аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнидаги яна бир муҳим масала бўлиб бу жиддийлик ва риск даражасини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Туристтик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда туристик хизматлар аудитини ўтказишда аудиторлик хатарини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи барча хўжалик юритувчи субъектлар каби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрда (813-сон тартибли рақам) рўйхатга олинган 9-сон «Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги» аудит миллий стандартига асосан амалга оширилади. Аудитда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига каттагина ҳажмда таъсир кўрсатадиган ҳолатлар жиддий ҳолатлар деб эътироф этилади. Барча жиддий муносабатларда молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги деганда, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бунда ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Ахборотнинг жиддийлиги унинг хусусияти бўлиб, уни ана шундай ахборотдан оқилона фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир бўлади. «Муҳимлилик даражаси деганда молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ундан бошлаб ана шу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади»¹⁰ Муҳимлилик даражасининг мутлоқ қийматини аниқлашда аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг аудит қилинадиган ҳисоботи ишончлилигини

¹⁰ 9 сон АФМС «Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги» 1999 йил 3 сентябр № 812

тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак. Бизга маълумки, ҳозирги кунда аудиторлик ташкилотлари кўрсатаётган хизматларнинг сифати улар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларига берилган аудиторлик ҳулосасининг ҳаққонийлиги билан белгиланади. Ушбу мақсадга эришиш жуда кўп омилларга, хусусан, ўтказилган аудитнинг изчиллиги, тўлиқлиги, аудиторларнинг касбий маҳорати, аудитни ўтказган аудиторнинг республикамиз қонунларини чуқур билиши ва бошқаларга бевосита боғлиқ. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, амалий аудит билан шуғилланаётган барча аудиторлар ушбу талабларга тўлиғича жавоб бермайди. Одатда қорхоналар фаолиятини текширишда юз берган хўжалик операцияларини, тузилган ҳужжатларни тўлиқ текшириб чиқишга аудиторлар объектив ва субъектив сабабларга кўра тўлиғича улгурмай қоладилар. Бу ўз навбатида, аудиторлар берган ҳулосада маълум даражада, четланишлар бўлишига, мос равишда муайян даражада аудиторлик rischi(хатарини)нинг вужудга келишига олиб келади. Зеро “Барча фаолиятлар сингари аудиторлик соҳаси ҳам riskни четлаб ўтолмайди”¹¹. Аудиторлик rischi нима ва уни қандай баҳолаш мумкин деган саволлар бугунги кунда аудит амалиётининг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аудиторлик riskининг моҳияти, таркибий қисмлари ва унинг даражасини аниқлаш тартиби 9-сон аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) “Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги”да ўз аксини топган. Ушбу АФМСда аудиторлик riskига қуйидагича таъриф берилган: “Аудиторлик таваккалчилиги - аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви яқунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда

¹¹ Жўраев Ў. Аудиторлик хизматининг зарурияти //Бозор пул ва кредит. 2006 йил 2 феврал 47 бет.

бўлмасада, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир”¹² Аудиторлик rischi ўз ичига учта таркибий қўшимчани олади:

1. Ажратиб бўлмайдиган риск;
2. Назорат rischi;
3. Молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни топмаслик rischi.

Аудитор аудитни ўтказиш пайтида аудиторлик riskини оқилона энг кам даражага пасайтириш учун зарур чораларни кўриши керак. Ажратиб бўлмайдиган риск баланс ёки операциялар тоифасининг моддий тусга эга бўлиши мумкин бўлган бузилишга учрашдан иборатдир. Ажратиб бўлмайдиган riskга бухгалтерия баланси ёки операциялар тоифасининг характери таъсир кўрсатади. Ажратиб бўлмайдиган riskни баҳолаш аудиторнинг мижоз фаолияти хусусиятлари, унинг ташкилий тузилиши ва корхонани бошқариш тавсифномаларини билишига асосланади. Аудитор аудитнинг умумий режасини тайёрлаш пайтида, ўз касбий малакасидан фойдаланиб, баланс моддалари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларига доир ажратиб бўлмайдиган riskни баҳолаши керак. Назорат rischi хўжалик субъектида мавжуд бўлган ва мунтазам қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида олганда ёки жами ҳолатда жиддий бўлган бузилишларни аниқламаслиги ва тузатмаслиги ва (ёки) бундан бузилишларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилмаслиги эҳтимолидан иборатдир. Назорат rischi хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими ишончилиги даражасини тавсифлайди. Аудитор ўзининг касб малакасидан фойдаланиб, аудит давомида хўжалик юритувчи субъектнинг назорат тизими, назорат муҳити ва назоратнинг алоҳида воситаларини баҳолаши шарт. Назорат воситалари таваккалчилигини баҳолаш учун аудитор назорат воситаларини тестлашни қўллаши керак. Аниқлай олмаслик rischi аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудитор текширув давомида қўллайдиган аудиторлик русум-қоидалари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий

¹² 9 сон АФМС «Мухимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги» 1999 йил 3 сентябр № 812

ҳисоботда ҳақиқатда мавжуд бўлган, алоҳида олганда ёки жами ҳолатда жиддий тусга эга бўлган хатолар ва бузилишларни топиш имконини бермаслиги эҳтимолидир. Аниқлай олмаслик rischi аудитор иш сифати кўрсаткичи бўлиб, аудитор малакаси ва аниқ аудиторлик текширувини ўтказиш хусусиятларига боғлиқдир. Аудитор ажратиб бўлмайдиган ва назорат riskларини баҳолаш асосида ўз ишида йўл қўйиладиган топмаслик таваккалчилигини белгилаши ва топмаслик таваккалчилигини иложи борица камайитиришни ҳисобга олган ҳолда тегишли аудиторлик русумқоидаларини режалаштириши шарт. Халқаро амалиётда молиявий ҳисобот аудити билан хатарнинг бир нечта aspectлари боғланган. Хатарнинг иккита асосий тури мавжуд бўлиб, булар:¹³

1. Аудиторлик хатари.

2. Бизнес учун хатар, яъни аудитор ёки унинг фирмаси учун хатардир.

Аудиторлик хатари қуйидагидан иборат: аудитор молиявий ҳисоботни тўғри деб топиб, шу асосда аудиторлик фикрини изоҳларсиз беради, аслида эса молиявий ҳисобот баъзи бир хатоларга эга бўлади. Бизнес учун хатар шундан иборатки, аудитор (ёки аудиторлик фирмаси) мижоз билан муносабатларда омадсизликка учраши мумкин, гарчи мижозга тақдим этилган аудиторлик хулосаси адолатли амалга оширилган бўлса ҳам. Аудиторлик хатарининг дастлабки модели қуйидаги шаклда бўлиши мумкин:

$$\text{ДАР} = \text{ИР} \times \text{КР} \times \text{ДР}$$

бу ерда,

ДАР- умумий аудиторлик хатари (Десиред аудит риск)

ИР – ички хўжалик хатари

КР – назорат хатари

ДР – аниқланмаслик rischi

ДАР- умумий аудиторлик хатари – бу аудиторнинг молиявий ҳисобот ҳақида унда маълум бир хатолар борлигини аудит тўгагундан сўнг ва унда

¹³ Аренс Э. А., Лоббек Дж. К. Аудит Гл. редактор проф. Я. В. Соколов. – м.: Финансы истатистика, 2003., 241-242 бетлар.

изоҳларсиз аудиторлик фикри ифодалангандан кейинги тан олишга тайёргарлик ўлчовидир.

ИР – ички хўжалик хатари – бу аудиторни сегментда хато борлиги ва чекланган даражадан ортиқчалигини ички хўжалик назорат тизимини олиб боришдан олдин кўтилишини тан олиш меъёридир.

КР – назорат хатари – бу аудиторнинг сегментдаги чегарадан ортиқча бўлган хато олдина олинмаган ёки мижознинг ички хўжалик назорати тизимида аниқланмаган бўлишининг кўтилиш ўлчови.

ДР – аниқланмаслик rischi – бу аудитор томонидан у ёки бу сегментда йиғилган аудиторлик далиллари чегаравий миқдодан ортиқча бўлган хатоларни топиш имкониятини бермаслигини, гарчи бу хатолар бўлсада, тан олишга тайёргарлик ўлчови. Ҳисоботнинг барча кўрсаткичлари бўйича ягона муҳимлилик даражасини белгилаганда, унинг ҳисоби режалаштириш босқичида амалга оширилмайди. Унинг миқдори ҳисоботнинг аниқ кўрсаткичлари билан боғланмаган ҳолда белгиланган чегаравий хатолик фоизи сифатида белгиланади. Аудиторлик riskининг даражаси аудитор томонидан мижоз корхона фаолиятини дастлабки кузатиш натижасида аниқланади ва томонлар ўртасида тузиладиган шартнома ҳамда аудитни ўтказиш режасида ўз аксини топмаяпти. Бунга бизнинг фикримизча 9 сон АФМСда аудиторлик rischi даражасини аниқлаш бўйича ўрнатилган тартибнинг айрим мунозарали жихатлари сабаб бўлмоқда.

Стандартда аудиторлик riskининг таркибий компонентларини миқдор жихатдан ифодалаш жуда қийин. Чунки, ушбу компонентларнинг ўзларига ҳам жуда кўплаб омиллар таъсир қиладики, уларнинг ҳар бирини аниқ ўлчаш ва ҳисоблаб топишнинг амалда иложи йўқ. 9 сон АФМСда келтирилган тартибда аудиторлик rischi даражасига омилларнинг бевосита ва билвосита таъсир қилиш хусусиятлари очиқ берилмаган. Адабиётларда чунончи, Аннаев М.Б. томонидан аудиторлик riskининг даражасини аниқлаш учун аудитор ишининг кафолатлилик даражаси кўрсаткичидан фойдаланиш тавсия қилинган. “Аудитор ишининг кафолатлилик даражаси деганда аудиторнинг

молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тўғри баҳолай олиш қобилиятининг фоизларда ёки коэффицентларда ифодаланган миқдорини тушунмоқ лозим”¹⁴. Ушбу юқорида келтирилган фикрга қўшилган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, кафолатлилик даражаси аудиторлик rischi билан бирга бир бутунликни ифодалайди. Ушбу кўрсаткич фоизларда ифодаланганда уларнинг йиғиндиси 100% тенг, ҳамда коэффицентларда ифодаланганда эса 1 га тенг бўлиши керак бўлади. Шундан келиб чиқадики, аудитор ишининг кафолатлилик даражаси (КД) қанчалик катта бўлса, аудиторлик риск даражаси (АР) шунчалик кичик бўлади. Тенгликни қуйидагича ифодалашимиз мумкин.

$$\text{КД} + \text{АР} = 1 \text{ ёки } \text{КД} + \text{АР} = 100\%$$

Юқоридаги формулага асосан аудиторлик ишининг кафолатлилик даражаси энг муҳим омил ҳисобланади. Энди эса, ушбу омилнинг миқдор жихатдан қандай тартибда ҳисобланишини кўриб ўтсак. Аннаев М.Б. ўз монографиясида аудитор ишининг кафолатлилик даражаси хусусида сўз юритиб, уни миқдорий ҳисоблашда унга таъсир этувчи омиллар орқали ифодалашни таклиф этган, яни

$$\text{КД} = \text{МТ} * \text{АҚ} * \text{ТД}$$

Бунда:

КД - аудитор ишининг кафолатлилик даражаси

МТ- аудит ўтказиш учун керак бўладиган маълумотлар билан таминланиш даражаси

АҚ - аудиторнинг шахсий қобилияти

ТД - аудиторнинг аудит ўтказиладиган корхона фаолиятига оид меърий ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобининг мазкур корхонага ҳос хусусиятли томонлари билан танишлик даражаси.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, аудитор ишининг кафолатлилик даражаси учала омил билан ҳам тўғри пропорционалдир.

¹⁴ Аннаев М.Б. Савдо корхоналарида даромадалар ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография. Т.: Наврўз. 2011. 95 бет.

Омилларни ифодаловчи коэффисентларнинг юқори белгиланиши аудитор ишининг кафолатлилик даражасининг хам ортишига олиб келади. Шунитакки, керакки, биринчи омил, яъни маълумотлар билан таминланиш даражаси аудиторлик ташкилоти ва аудиторларга боғлиқ эмас. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, кўрсатилаётган хизматларнинг кафолатлилик даражасини ошириш учун қолган иккита омилнинг таъсирини кучайтириш талаб этилади. Биринчи омилнинг таъсири паст бўлган шароитларда аудиторлик ташкилоти кўрсатаётган хизматлари сифатини ошириш учун кучли аудиторларни сафарбар қилиши, ўз навбатида аудиторлар эса текширилаётган корхона ва унинг фаолият соҳаси ҳақидаги ҳуқуқий ҳамда профессионал билимларини ошириши лозим. Тадқиқотлар шунитакки, амалиётда аудиторлик ташкилотлари биринчи омил, яъни маълумотлар билан таъминланиш даражасидан келадиган рискни ўз бўйинларига олмаяптилар. Буюртмачи билан тузилган шартномаларда “текширувга тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик буюртмачи корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади, аудиторлик ташкилоти берган хулосаси учун буюртмачи томонидан текширишга тақдим этилган ҳужжатлар доирасида жавобгардир” деб белгилаб қўймоқдалар. Бундай шароитда аудитор ишининг кафолатлилик даражасига сўнгги иккита омил таъсир қилади:

$$КД = АҚ * ТД$$

Масалан, “TRIPE ORIENT” МЧЖ фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш белгиланди ва аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудитор малакаси қуйидагича баҳоланди.

5-жадвал

АҚ	аудиторнинг шахсий қобилияти	0,85
ТД	аудиторнинг аудит ўтказиладиган корхона фаолиятига оид меёрий хужжатлар ва бухгалтерия ҳисобининг мазкур корхонага хос хусусиятли томонлари билан танишлик даражаси	0,96
КД	аудитор ишининг кафолатлилиқ даражаси	$КД=АҚ*ТД=0,85*0,96=0,82$
АР	аудиторлик rischi	$АР=100-КД=100-82=18\%$

Аудиторлик ташкилоти ва бюртмачи ўртасида шартнома тузулгач аудитор ўз фаолиятини амалга оширишни бошлайди. Режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, графиклари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиш, ҳамда аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида ҳолисона ва асосланган ҳулосани шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик тартиб-таомилларнинг кетма-кетлигини, тури ва ҳажмини аниқлаб берадиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Аудитни режалаштиришда аудиторлик ташкилоти қуйидаги асосий босқичларни ажратиши керак:

1. Дастлабки режалаштириш;
2. Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
3. Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Аудитни самарали режалаштириш учун аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудитни ўтказиш билан боғлиқ асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши керак. Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан танишиши ва қуйидагилар тўғрисида ахборотга эга бўлиши шарт:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, мамлакат (минтақа) бўйича иқтисодий вазиятни ва унинг тармоқ хусусиятларини акс эттирадиган ташқи омиллар;

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, унинг индивидуал хусусиятлари билан боғланган ички омиллар;

3. Аудитор қуйидагилар билан ҳам танишиши керак:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-бошқарув тузилиши;

“TRIPE ORIENT” МЧЖнинг бошқарув органлари жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши, жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи, жамият иштирокчилари умумий йигилишига ҳисобдордир, иштирокчилар умумий йигилиши томонидан қўзғатув кенгаши тузилган тақдирда, ижро этувчи орган қўзғатув кенгашига ҳам ҳисобдор бўлади.

“TRIPE ORIENT” МЧЖ ўз устави бўйича қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин:

- Саёҳат операторлиги, сайёҳларни қабул қилиш, уларни юбориш, саёҳат бюроси хизмати ва сайёҳлик сафарлари хизматларини ташкил этиш;
- Хорижий туризм ҳамда миллий туризм бўйича саёҳат йўналишлари ишлаб чиқиш фаолияти, сайр-саёҳат сафарларини ташкил этиш,

сайёхлар гурухларини шакллантириш ҳамда қабул қилиш,
меҳмонларга ҳар хил хизматлар қурсатиш;

- Сайёхлар ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам қурсатиш;
- Меҳмонхоналар ташкил этиш, меҳмонхона хизмати (меҳмонларни қабул қилиш ва уларга сервис хизмати қурсатиш);
- Савдо ярмаркалари ва савдо дуконларини ташкил қилиш;
- Умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил этиш (ресторан, ошхона, қаҳвахона) ва хизмат қурсатиш;
- Юридик шахсларга, аҳолига ва сайёхларга йуловчи ва юк ташиш транспорт хизматини қурсатиш;
- Халқ истеъмоли моллари ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб-чиқариш, қайта ишлаш ва улар билан савдо фаолиятини амалга ошириш;
- Ташқи иқтисодий фаолият, товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича муоамалаларни амалга ошириш;
- Автомобилларга техник хизмат қурсатиш, автомобилларни ювиш жойлари очиш ва автосервислар ташкил этиш;
- Автосалонлар ташкил қилиш, янги тасарруфда бўлган автомашиналар, ўзи юрар техникалар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари харид қилиш ва сотиш;
- Автомобилларга ёқилғи ва суьултирилган газ қуйиш шаҳобчалари ташкил қилиш ва хизмат қурсатиш;
- Чанқокбости ичимликлар ишлаб-чиқариш ва улар билан савдо фаолиятини амалга ошириш;
- Дискотека, дискотуб ва тунги клубларни ташкил қилиш ва фаолият қурсатиш.

Бугунги кунда МЧЖ туристик хизматлар қўрсатиш ва савдо фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

в) капитал таркиби ва акциялар курси (хўжалик юритувчи субъект акциялари котировка қилиниши керак бўлган ҳолда).

г) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари.

д) рентабеллик даражаси.

“TRIPE ORIENT” МЧЖнинг 2018 йил 31 декабр ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида кўра корхонанинг рентабиллик кўрсаткичи аниқланди.

$$P_k = \frac{247425416.6 * 100}{1430826057.37} = 17.27$$

э) хўжалик юритувчи субъектнинг асосий харидорлари ва таъминотчилари.

ж) ташкилот тасарруфида қоладиган фойдани тақсимлаш тартиби.

Жамият, йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта узининг соф фойдасини жамият иштирокчилари уртасида тақсимлаш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

з) шўба ва тобе ташкилотлар мавжудлиги.

и) хўжалик юритувчи субъект томонидан ташкил этилган ички назорат тизими.

к) ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни шакллантириш принциплари.

Туристлик корхоналарида кўпроқ ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилади. Шартномада бюртмачи ва аудиторлик ташкилоти ҳақида қисқача маълумотлар, шартнома шартлари, аудиторлик текширувини ўтказиш муддати ва кўрсатиладиган аудиторлик хизмати нархи келтирилган бўлади. Ташкилотда аудиторлик текширувини бошлашдан аввал “Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш” номли 31-сон АФМСга мувофиқ аудитор томонидан корхона фаолияти билан танишиб чиқади. Шунга асосан 3-сон “Аудитни

режалаштириш” номли АФМСга ва 6-сон “Аудитни хужжатлаштириш” номли АФМСга мувофиқ аудиторлар томонидан аудиторлик режаси ва аудиторлик дастури тузуб олинади. Аудиторлик режасида бюртмачи ва аудиторлик ташкилотининг номи, аудиторлик текширувини ўтказиш даври, аудиторлик текшируви гуруҳи раҳбари, гуруҳ азолари, аудиторлик риски ва муҳимлик даражаси, бажариладиган ишлар рўйхати ва бажарувчининг номи ва шу каби бошқа малумотлар. Аудиторлик режасининг намунавий шакли **1-иловада** келтирилган.

Тузулган аудиторлик режаси асосида аудиторлик дастури тузулади. Аудиторлик дастурида аудиторнинг иш хужжатлари ҳамда аудит жараёнида қўлланиладиган текшириш усуллари ифодаланади. Биз туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудити бўйича аудиторлик дастурини намунавий шакли **2-иловада** келтирилган.

Аудиторлик режаси ва дастурида бажариладиган тадбирларни амалга оширувчи аудиторлар ўзига бириктирилган тадбирлар юзасидан аудит қилишнинг тахминий кетма-кетлигини белгилаб олади ва шунга асосан аудиторлик текширувини маълум тартибда амалга оширади. Амалга оширилган аудиторлик текширувини “Аудиторлик ҳисоботи” номли 80-сон АФМС га ва “Аудиторлик хулосаси” номли 70-сон АФМС ларга мувофиқ расмийлаштиради, яни, дастлаб аудиторлик ҳисоботи тузулади ва аудиторлик ҳисоботи асосида аудиторлик хулосаси берилади.

2.2. Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни ўтказиш тартиби.

Ҳар бир корхона ўз фаолиятини малум бир тартиб ва меъёрий ҳуқуқий асосга асосан олиб боради. Қандай ташкилий тузулишдаги корхона фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўлмасин дастлаб унинг олиб бораётган фаолияти ушбу корхонанинг ташкилий ҳуқуқий шаклига мослигини текширишдан бошланиши лозим.

Туристтик ташкилотларнинг фаолияти қатъий лицензиялаштириладиган фаолият ҳисобланади. Республикамизнинг «Фаолият турларини лицензиялаштириш тўғрисидаги қонуни»га мувофиқ туристтик фаолият билан шуғулланиш учун корхоналарга лицензиялар бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Туристтик ташкилотларга лицензияларни бериш Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кўра «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси томонидан берилади.

“TRIPE ORIENT” масулияти чекланган жамияти 2008-йил 13-майдан бошлаб фаолият олиб бормоқда. Ушбу сана бўйича давлат рўйхатидан ўтган.

Реестрдаги тартиб рақами - 4209

Ташкилий-ҳуқуқий шакли ТХШ-1152

Мулкчилик шакли МШ-142

Почта манзили МҲОБТ-1718401

Юридик шахс коди КТУТ-22441532

Тармоқ коди ХХТУТ-91620

Солиқ тўловчининг идентификация рақами СТИР-300832523

Корхонанинг асосий фаолияти бу туризм хизматларини кўрсатиш бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар туризм фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, туризм соҳасидаги халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикаси стандартларига мажбурий риоя қилиш;

б) юридик шахс штатида «туризм» йўналишидаги олий таълим ёхуд ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломига ёки лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибда 3 йил муддатга бериладиган амалдаги малака сертификатига эга бўлган камида бир нафар мутахассис бўлиши;

в) юридик шахс ходимлари (гидлар (экскурсия етакчилари) ва йўриқчи-йўл бошловчилар) 3 йилда камида бир марта лицензияловчи орган белгиланган тартибда малака сертификати олиши;

д) туризм фаолиятини амалга ошириш учун йўналишига кўра:

«ички туризм» — юридик шахснинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакли учун қонунчиликда белгиланган миқдорга тенг;

«чиқиш ва кириш туризми» — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 400 баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармасига эга бўлиши;

е) туризм хизматларининг мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсиячиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш бўйича тизимнинг мавжудлиги;

ж) мижоз билан фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ шартнома, шу жумладан, электрон тарзда (онлайн) тузилгандан кейин туризм хизматлари кўрсатиш;

з) чет давлатга чиқиш, келиш ва у ерда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари, туристик саёҳат вақтида ўзини тутиш хусусиятлари ҳамда ҳар бир муайян мамлакатда бўлишнинг бошқа қоидалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ҳар бир туристга белгиланган тартибда етказиш;

и) мижозга лицензиатнинг иш режими, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тегишли лицензия, туризм хизматлари сертификатининг мавжудлиги, туризм фаолиятининг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган лицензиатнинг мутахассислари фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлиқ ва батафсил маълумот бериш, жумладан, ушбу кўрсатилган маълумотларни ўзининг халқаро интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштириш.

к) ҳар йили 500 нафардан ортиқ туристга хизмат кўрсатилганда лицензиатда электрон тўловлар, брон қилиш, эквайринг каби хизматлар кўрсатувчи кўп тилли веб-сайт мавжуд бўлиши.¹⁵


“TRIPE ORIENT” МЧЖ ёқоридаги барча талабларга жавоб беради.

¹⁵ 2017 йил 6 апрел “Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги 189 сон НИЗОМ.

Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади бўлиб корхонанинг молиявий ҳисоботи маълумотларининг реаллигини текшириш ва ушбу бўйича хулоса беришдан иборат ҳисобланади. Ушбу фикрдан келиб чиқиб туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг асосий мақсади туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тузулган молиявий ҳисоботини баҳолаш ҳисобланади. Демак туристик хизмат кўрсатувчи субъектларни аудиторлик текширувидан ўтказишда аудитор олдида қуйидаги вазифалар қўйилади.

1. Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тузулган бухгалтерия баланси маълумотлари реаллигини баҳолаш;
2. Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тузулган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларини реаллигини баҳолаш;
3. Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тузулган “Пул оқимлари ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот маълумотлари реаллигини баҳолаш;
4. Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тузулган “Хусусий капитал ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот маълумотлари реаллигини баҳолаш.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудит ўтказишнинг умумий метадиалогияси қуйидагича ҳисоблади.



Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитор тамонидан туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда тузулган молиявий ҳисобот шакллариининг аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлик хатарини 6-жадвалга мувофиқ аудиторлик таҳлилидан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

6-жадвал

Ҳисобот шакллари	Умумий аудиторлик хатари (АР)	Ички хўжалик хатари (ИР)	Назорат тизими хатари	Хатоларни топмаслик хатари (ДР)
Баланс	Юқори	Юқори	Юқори	Юқори
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	Юқори	Юқори	Юқори	Юқори
Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта
Хусусий капитал ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Паст	Паст	Юқори	Паст

Аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида аудитор қуйидаги усуллардан фойдаланади.

7-жадвал

Аудит усуллари		
№	Аудит усули	Аудит усулининг мазмуни
1	Солиштириш усули	Иқтисодий ҳодисалар, кўрсаткичларни ўзаро ва бизнес-режа билан солиштириш
2	Гипотеза усули	Ҳодисаларнинг содир бўлиши, натижалари турли шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганилади. Бундай усул кўпинча “яширин иқтисодиёт” натижаларини аниқлашда кенг фойдаланилади

3	Таҳлил ва синтез	Аудит объекти бўлган маълум кўрсаткич омиллар асосида ўрганилади, мавжуд ички мимкониятлар аниқланади
4	Тафтиш усули	Корхонанинг фаолиятига тўлиқ баҳо бериш учун барча операциялар тасдиқловчи назоратидан ўтказилади
5	Инвентаризация усули	Корхонадаги ҳуқуқий активлар ва мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мослиги текширилади
6	Калкуляция усули	Ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизмат) нинг таннархи аниқланади
7	Экспертиза усули	Ҳужжатларнинг реаллигини, ҳаққонийлиги, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари лаборатория йўли билан аниқланади
8	Бухгалтерия счётлари ва икки ёқлама ёзув усули	Корхона активлари ва мажбуриятларининг ҳаракати ҳамда қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби счётлари орқали текширилади
9	Баланс усули	Корхонадаги ҳодисалар, жараёнларни расмийлаштириш, дастлабки маълумотларни умумлаштириш орқали назорат қилиш

Туристик хизмат кўрсатувчи субектларда ҳар бир молиявий ҳисобот шакллари текширишда алоҳида этибор қаратиладиган жиҳатларни ва бажариладиган вазифаларни кўриб чиқамиз. Молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли бўлиб бу бухгалтерия баланси ҳисобланади. Бухгалтерия балансида корхона активлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ўз аксини топади.

Бухгалтерия баланси		
Обект номи	Аудитор вазифалари	Аудитор меъёрий хуқуқий асоси
Асосий воситалар	1. Асосий воситаларнинг тўғри кириш қилинганлигини; 2. Асосий воситаларга эскиришни тўғри ҳисобланганлигини текшириш; 3. Асосий воситаларни тўғри ва ўз вақтида қайта баҳоланганлигини текшириш; 4. Баланс маълумоти бўйича барча асосий воситаларнинг мавжудлигини ва тўғри ва ўз вақтида инвентаризациядан ўтказилганлигини ҳамда инвентаризация маълумотлари тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш; 5. Асосий воситалар тўғри чиқим қилинганлигини текшириш; 6. Асосий воситалар ҳаракати бўйича бухгалтерия ёзувларини тўғри ва ўз вақтида бериб борилганлигини текшириш.	5-сон БҲМС “Асосий воситалар”, бундан ташқари 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” ва 19-сон БҲМС “ИНВЕНТАРЛАШНИ И ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ” каби қонун ҳужжатлари ва бошқа асосий воситалар бўйича қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Номоддий активлар	1.Туристтик хизмат кўрсатувчи субъект ўз фаолиятини олиб бориш учун белгиланган номоддий активларнинг мавжудлигини текшириш; 2.Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектда номоддий активларнинг тўғри кирим қилинганлигини текшириш; 3.Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектда номоддий активлар чиқимини тўғри юритилганлигини текшириш; 4.Номоддий активнинг синтетик ҳисобини 21 сон БҲМСга мувофиқлигини текшириш; 5.Номоддий активлар ҳаракати бўйича берилган бухгалтерия ёзувларини бирламчи асосининг мавжудлигини текшириш.	7-сон БҲМС “Номоддий активлар”, бундан ташқари 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” ва 19-сон БҲМС “ИНВЕНТАРЛАШН И ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ” каби конун ҳужжатлари ва бошқа асосий воситалар бўйича қабул қилинган конун ва конун ости ҳужжатлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилади.
---	--	--

Капитал қўйилмалар	1.Молиявий инвестицияларни мавжуд турларини аниқлаш, уларни ҳисоб ва баланс қийматларини 12-сон БҲМС талабларига мослигини текшириш 2.Молиявий инвестицияларга доир операцияларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ва счётларда тўғри акс этирилганлигини текшириш 3.Молиявий инвестициялар бўйича даромад ва харажатларни тўғри ҳисобланганлиги ва молиявий ҳисоботда тўғри акс этирилганлигини текшириш	12-сон БҲМС, 21-сон БҲМС
	Ø Товарларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олинганлигини текшириш; Ø Товарларни тўғри туркумланганлигини ва гуруҳларга ажратилганлигини текшириш; Ø Товарларни тўғри баҳоланганлигини текшириш; Ø Товарларга қилинган қўшимча харажатларни (ташиб келтириш, бож ва солиқ тўловлари, курс ўртасидаги фарқлар, устамалар, сертификациялаш ва бошқалар) тўғри ҳисобга олинганлигини, кулами ўз вақтида сотиб олинганлигини) захиралар таннарига (қиймати) ёки корхона харажатларига киритилганлигини текшириш. Ø Товарлар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, уз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини текшириш; Ø Товарларга моддий жавобгарликни таъминланганлигини, моддий жавобгар шахслар томонидан ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тузилганлигини текшириш; Ø Товарлар ҳолати ва ҳаракати бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигини текшириш; Ø Товарларнинг бутлигини таъминланганлигини, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта	Солиқ кодекси, 4-сон БҲМС, 21-сон БҲМС, 19-сон БҲМС

ТМЗлар	рўйхатдан ўтказилганлигини (инвентаризация қилинганлигини), унинг натижаларини тўғри аниқланганлигини ва ҳисобга олинганлигини текшириш; Ø Товарларни асосли равишда қайта баҳоланганлигини ва унинг натижаларини ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш. Ø Товарларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олинганлигини текшириш; Ø Товарларни тўғри туркумланганлигини ва гуруҳларга ажратилганлигини текшириш; Ø Товарларни тўғри баҳоланганлигини текшириш; Ø Товарларга қилинган қўшимча ҳаражатларни (ташиб келтириш, бож ва солиқ тўловлари, курс ўртасидаги фарқлар, устамалар, сертификациялаш ва бошқалар) тўғри ҳисобга олинганлигини, кулами ўз вақтида сотиб олинганлигини) захиралар таннархига (қийматига) ёки корхона ҳаражатларига киритилганлигини текшириш. Ø Товарлар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, уз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини текшириш; Ø Товарларга моддий жавобгарликни таъминланганлигини, моддий жавобгар шахслар томонидан ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тузилганлигини текшириш; Ø Товарлар ҳолати ва ҳаракати бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигини текшириш; Ø Товарларнинг бутлигини таъминланганлигини, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказилганлигини (инвентаризация қилинганлигини), унинг натижаларини тўғри аниқланганлигини ва ҳисобга олинганлигини текшириш; Ø Товарларни асосли равишда қайта баҳоланганлигини ва унинг натижаларини ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш.	
----------------------	--	--

Дебиторлик қарзлар	1.Харидорлар билан ҳисоб-китобларда 15% лик олдиндан тўлов талабларини бажарилиши текширилади 2.Харидорларнинг мавжуд қарзларининг реаллиги текширилади 3.Муддати ўтиб кетган қарзлар топилади ва уларнинг ҳисоботда реал кўрсатил-ганлиги аниқланади 4.Бартер асосида қарзларни ёпилиш ҳолларини борлиги текширилади 5.Таъминотчиларга, ходимларга, бюджетга ва бошқа дебиторларга берилган бўнақларнинг реаллиги, муддатидан кўп вақтга асос-сиз ёпилмаслик ҳолатлари аниқланади 6.Дебиторлик қарзлар ҳисобидаги камчиликлар бўйича исботу –далиллар тўпланади	Дебиторлик қарзлари акс эттирилган барча қонун ҳужжатлари
--	--	--

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар молиявий ҳисоботининг иккинчи шакли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”дир. Ушбу ҳисобот шаклида корхонанинг барча даромад ва харажат турларива корхона фаолияти натижалари ўз аксини топади.

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб даромадлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи, тан олинishi, счётлар тизими ва улар бўйича бухгалтерия ёзувлари Республикамизда қабул қилинган қуйидаги меъёрий ҳужжатларда атрофлича очиб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (16-модда);
 - БҲМС «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»
 - 2-сон БҲМС « Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар»
 - «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида 54-сон Низом»¹⁶.
- Солиқ кодексининг 20-боби “Жами даромад” деб номланиб 129-140-моддалар айнан даромадларга бағишланган. Солиқ кодексининг 129-

¹⁶ проф. Уразов.К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” - Тошкент, “Ўқитувчи”-2004

моддасида жами даромадларни 2 катта гуруҳга ажратган. Булар қуйидагилар:

- ❖ товарларни (ишларни, хизматларни) реализатсия қилишдан олинадиган даромадлар;
- ❖ бошқа даромадлар¹⁷.

2-сон БҲМС эса айнан хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадларига бағишланган ва бу стандарт “Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар” деб номланади. Ушбу стандартда асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадларга қуйидагича таъриф берилган. **Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар** - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар¹⁸.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида 54-сон Низом»нинг эса “В” қисми хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларига бағишланган. Ушбу низомда хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларини қуйидагича турларга ажратган. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинадиган даромадлари ҳисоботга қуйидаги асосий бўлимлар бўйича киритилади:

- ❖ Сотидан олинган соф тушум.
- ❖ Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари).
- ❖ Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.

¹⁷ Солиқ кодекси, 20-боб, 129-модда - 2007-й.

¹⁸ 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар”нинг атамалар қисми - 26-август 1998-йил

❖ Фавқулудда даромадлар¹⁹.

Юқориаги фикрлардан келиб чиқган ҳолда туристик корхоналарнинг даромадларини қуйидаги турларга ажратишимиз мумкин:

- ❖ Асосий фаолиятдан олинган даромадлар;
- ❖ Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
- ❖ Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- ❖ Фавқулудда фойда.

Туристтик корхоналарнинг даромадларини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад молиявий ҳисоботда кўрсатилган даромадларнинг ҳаққонийлиги, келиб тушуш манбаларининг қонун ва қонун ости ҳужжатларига мослиги, тўғри расмийлаштирилганлиги, даромад сифатида тан олишнинг асосининг мавжудлиги, даромадларни кўпайтириб ёки камайтириб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги бўйича текширувни амалга ошириш ва бюртмачига текширув натижалари бўйича тегишлича аудиторлик хулосасини бериш, аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича тегишлича таклифлар беришдан иборат.

Аудиторлик текширувининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- ❖ Молиявий ҳисоботда акс эттирилган даромадларнинг реаллигини текшириш;
- ❖ Даромадларнинг келиб тушуш манбаларини қонун ҳужжатларига мослигини текшириш;
- ❖ Ҳисоботларни шакллантирилгунча амалга оширилган ишларни тўғри амалга оширилганлигини текшириш;
- ❖ Молиявий ҳисоботда кўрсатилган сўммани ушбу счёта бўйича бош китобда мавжудлигини текшириш;

¹⁹ «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида 54-сон Низом»нинг “В” қисми - 5-феврал 1999-йил.

❖ Ушбу даромад счётлари бўйича юрутилаётган журнал ордер ва кайдномаларни текшириш;

❖ Ташкилотда берилган бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлигини текшириш;

❖ Берилган бухгалтерия ёзувларини қонуний асосини мавжудлигини текшириш;

❖ Бирламчи хужжатларни тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш.

Туристтик корхоналарда асосий фаолиятдан олинган даромадларни иккита катта гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар;
2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ўз ўрнида қуйидаги турларга бўлинади.

- ❖ Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар;
- ❖ Таварларни сотишдан олинган даромадлар;
- ❖ Хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳам ўз ўрнида қуйидаги турларга бўлинади:

- ❖ Асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар;
- ❖ Бошқа активларни чиқиб кетишидан олинган даромадлар;
- ❖ Ўндириладиган жарималар ва пенялар;
- ❖ Ўтган йиллар фойдаси;
- ❖ Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар;
- ❖ Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадлар;
- ❖ Хизмат қилувчи хўжаликлардан олинган даромадлар;
- ❖ Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам;

❖ Бошқа операцион даромадлар.

Туристтик корхоналарда асосий фаолиятдан олинган даромадларни аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма-кетлиги қуйидагича.



2-чизма: Туристтик корхоналарда асосий фаолиятдан олинган даромадларни аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби.

Аудитор корхона ҳисоб сиёсатида корхонада юрутиладиган ҳисоб тизими ҳақида яқиндан танишиб чиқади, яни ташкилот бухгалтерия ҳисобини журнал ордер шакли, мемориал ордер шакли ёки кампютерлаштирилган шакллардан қайси бирдан фойдаланиши келтирилади. Ушбу асосида аудитор текшириш давомидаги иш тартибини белгилаб олади. Агарда ташкилот ҳисоб юрутишни журнал ордер шаклидан фойдаланган ҳолда дастлаб ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг иккинчи шакли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг 010 ва 090 сатрлари ўрганиб чиқилади. “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг ушбу шаклидаги ушбу сатрларида қуйидаги маълумотларни аниқлаб олади:

010 – “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар”;

090 – “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар”.

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаб олгач бу сўммаларнинг реаллиги текширилади. Агар ташкилотда айланма қайднома мавжуд бўлса кейинги қадам ушбу хужжатни текшириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу хужжатда ҳар бир счётнинг давр бошига бош қолдиқлари, ушбу ҳисобот давридаги дебит ва кредит аборо́тлари ва охи́рги қолдиқлар мавжуд бўлади. “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ” айнан ушбу хужжатдан сўммалар олинади. Айланма қайдномадаги

9000 - “Асосий фаолиятдан олинган даромадлар”;

9300 - “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар” счётлари текширилади ва агарда ҳисоботда кўрсатилган сўммалар билан ушбу ҳисоб регистридаги сўммалар мос келса кейинг қадамга ўтилади. Кейинги қадам эса бош китоб ва айланма қайдномани солиштириш ҳисобланади. Бош китоб ташкилотда юрутиладиган ҳисоб регистри бўлган журнал ордер ва қайдноманинг жамланмасидан иборатдир. Бу ҳисоб регистрларининг бири бир счётнинг дебит аборо́тини ўзида жамласа иккинчисида ушбу счётнинг кредит аборо́ти жамланади албатта ушбу счёт билан корреспанденсияланган счётлар билан биргаликда. Эндиликда амалга ошириладиган иш ташкилотда даромадларни тан олишга доир бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлигини текширишдан иборат. Агарда ушбу ёзувлар тўғри амалга оширилган тақдирда ушбу бухгалтерия ёзувини беришга асос бўлувчи бирламчи хужжат текширилади. Ушбу текшириш усули аудитор тамонидан мустақил танланади:

1. Танлаб текшириш;
2. Ёлпасига текшириш.

Кўп ҳолларда бирламчи ҳужжатлар текшириладиган вақтда аудитор танланма текшириш усулидан фойдаланади.

Туристик корхоналарда асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга қуйидаги даромад гуруҳларини киритишимиз мумкин.

1. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
2. Фавқулотда фойда.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

- ❖ Роялти кўринишидаги даромадлар;
- ❖ Дивидент кўринишидаги даромадлар;
- ❖ Фоиз кўринишидаги даромадлар;
- ❖ Валута курсларидаги фарқдан олинган даромадлар;
- ❖ Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар;
- ❖ Қимматбаҳо қоғозларга қуйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;
- ❖ Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни аудит қилишда 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560 ва 9590 счётлари орқали олинган даромадларни реаллигини, келиб тушуш манбаларининг қонун ва қонун ости ҳужжатларига мослиги, тўғри расмийлаштирилганлиги, даромад сифатида тан олишнинг асосининг мавжудлиги, даромадларни кўпайтириб ёки камайтириб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги бўйича текширувни амалга ошириш ва бюртмачига текширув натижалари бўйича тегишлича аудиторлик хулосасини бериш, аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича тегишлича таклифлар беришдан иборат

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни аудиторлик текширувининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- ❖ Молиявий ҳисоботда молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг мавжудлигини аниқлаш;

❖ даромадларнинг келиб тушуш манбаларини қонун ҳужжатларига мослигини текшириш;

❖ Ҳисоботларни шакллантирилгунча амалга оширилган ишларни тўғри амалга оширилганлигини текшириш;

❖ Молиявий ҳисоботда кўрсатилган сўммани ушбу счёт бўйича бош китобда мавжудлигини текшириш;

❖ Ушбу даромад счётлари бўйича юрутилаётган журнал ордер ва кайдномаларни текшириш;

❖ Ташкилотда берилган бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлигини текшириш;

❖ Берилган бухгалтерия ёзувларини қонуний асосини мавжудлигини текшириш;

❖ Бирламчи ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш.

Туристтик корхоналарда асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларни аудит қилиш кетма-кетлиги қуйидагича амалга оширилади:

Туристтик корхоналарда асосий бўлмаган
фаолиятдан олинган даромадларни аудиторлик
текширувидан ўтказиш кетма-кетлиги

корхона ҳисоб сиёсати билан танишиб чиқиш

молиявий ҳисоботнинг 2-шакли "Молиявий
натижалар тўғрисида"ги ҳисоботнинг 110. 120.
130. 140. 150. 160 ва 230 счётлар текширилади

молиявий ҳисоботнинг 1-шакли "Бухгалтерия
баланси"нинг 110. 220. 230 240. 310. 330. 340 ва 350
счётлар текширилади

бевосита ташкилот бухгалтериясида юритилаётган
айланма қайднома ёки бош китоб маълумотлари
баланс билан таққосланади

журнал ордер ва қайдномалар текширилади

бухгалтерия ёзувлари ва бирламчи хужжатлар
текширилади

**3-чизма: Туристтик корхоналарда асосий фаолиятдан олинган
даромадларни аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби.**

Аудитор корхона ҳисоб сиёсатида корхонада юрутиладиган ҳисоб тизими ҳақида яқиндан танишиб чиқади, яни ташкилот бухгалтерия ҳисобини журнал ордер шакли, мемориал ордер шакли ёки кампютерлаштирилган шакллардан қайси биридан фойдаланиши келтирилади. Ушбу асосида аудитор текшириш давомидаги иш тартибини белгилаб олади. Агарда ташкилот ҳисоб юрутишни журнал ордер шаклидан фойдаланган ҳолда дастлаб ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг иккинчи шакли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг 110, 120, 130, 120, 130, 140, 150, 160 ва 230 сатрлари ўрганиб чиқилади. “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг ушбу шаклидаги йуқоридаги сатрларидан қуйидаги маълумотларни аниқлаб олади:

Ушбу счётлардаги кўрсаткичларни аниқлаб олгач бу сўммаларнинг реаллиги текширилади. Агар ташкилотда айланма қайднома мавжуд бўлса кейинги қадам ушбу ҳужжатни текшириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда ҳар бир счётнинг давр бошига бош қолдиқлари, ушбу ҳисобот давридаги дебит ва кредит аборо́тлари ва охириги қолдиқлар мавжуд бўлади. “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга” айнан ушбу ҳужжатдан сўммалар олинади. Айланма қайдномадаги

9500 - “Молиявий фаолиятдан олинadиган даромад”

9710 - “Фавқулотда фойда ” счётлари текширилади ва агарда ҳисоботда кўрсатилган сўммалар билан ушбу ҳисоб регистридаги сўммалар мос келса кейинги қадамга ўтилади. Кейинги қадам эса бош китоб ва айланма қайдномани солиштириш ҳисобланади. Бош китоб ташкилотда юрутиладиган ҳисоб регистри бўлган журнал ордер ва қайдноманинг жамланмасидан иборатдир. Бу ҳисоб регистрларининг бири бир счётнинг дебит аборо́тини ўзида жамласа иккинчисида ушбу счётнинг кредит аборо́ти жамланади албатта ушбу счёт билан корреспондентсияланган счётлар билан биргаликда. Эндиликда амалга ошириладиган иш

ташкilotда даромадларни тан олишга доир бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлигини текширишдан иборат.

Келинг энди харажатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Харажатларни турли адабиётларда турлича деб бўлмасада, лекин бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилган, уларнинг айримлари қуйидагилар:

1. Харажат деганда, ҳисобот даврида корхона активларининг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши тушунилади²⁰.

2. Харажат – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир²¹, бошқача қилиб айтганда кўзланган мақсадга эришиш учун амалга оширилган сарфларнинг пулдаги ифодасидир.

3. Харажатлар – бу ҳисобот даври давомида компания мулкдорларига бадал тўловлари билан бўғлиқ бўлмаган ҳолда капиталнинг камайишида ўз аксини топган активларнинг чиқариб кетилиши ва бошқа эскириши ёки мажбуриятларнинг ўсиши шаклида юз берадиган иқтисодий нафларнинг камайишидир²².

4. Харажатлар - бу активларнинг камайиши ёки фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир²³.

Туристтик корхоналарда харажатларнинг таснифи, тавсифи, тақсимлиниши, уларни ҳисоб ва ҳисоботда ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилари талабларига мос тарзда акс эттириш ва ахборотларни реаллиги, ҳаққонийлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу масаланинг муҳимлигини яна шу билан кўрсатиб ўтиш керак. Бугунги кунгача республикамизда туристтик корхоналар харажатлар ҳисобини тартибга

²⁰ К.Б.Уразов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: “Ўқитувчи”. 2004.245-бет.

²¹ Мусаев.Ҳ.Н. Аудит.Т.:Молия. 2003.143-бет.

²² С.Н.Тошназаров.Халқаро ҳисоб асослари. Маъруза матнлар тўплами. Самарқанд-2008.83-бет.

²³ Юсупова.М.Б. Солиев.Б.К. Молиявий ҳисоб. Андижон-2006. 57-бет.

солиб турувчи меёрий-хукукий ҳужжат мавжуд эмас. Республикамизда мавжуд меёрий-хукукий ҳужжатлар туристик корхоналарнинг барча хил-хусусиятларини қамраб ололмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999-йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби тўғрисида” Низом²⁴ бевосита туристик ташкилотларнинг хусусиятларини этиборга олган ҳолда унинг харажатлари таркибини аниқ ифода этмайди. Ушбу низомда харажатлар тўғриси қуйидагича келтирилган. Хўжалик юрутувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлигини аниқлаш учун маҳсулот (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юрутувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши ва солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида шакллантирилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида 1996-йил 30-августда қабул қилинган ва 2016-йил 13-апрелда янгиланган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни”нинг 18-моддаси даромадлар ва харажатларга бағшланган. 18-модда “Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш” деб номланган ва унда қуйидагилар келтирилган “Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга талукли бўлса ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича даромадлар ва харажатлар бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади”²⁵. Шу билан бирга 2007-йилда қабул қилинган “Солиқ кодекси”нинг 21-боби умумий корхона харажатларига бағшланган. Солиқ кодексининг 141-моддасида

²⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999-йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом.

²⁵ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун”нинг янги таҳрири, 18-модда. 2016-йил 13-апрел.

харажатлар тўғрисида қуйидагилар келтирилган “Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади, ушбу кодексга мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно. Асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар, ушбу кодексида назарда тутилган ҳолларда эса, қону ҳужжатларига ва солиқ тўловчининг ҳисобга олиш сиёсатига мувофиқ расмийлаштирилган зарарлар ҳам солиқ тўловчининг харажатлари бўлади. Солиқ тўловчининг харажатлари ҳақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилган бўлса ўша даврда чегириб ташланади. Агар айни бир хил харажатлар харажатларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда мазкур харажатлар фақат бир марта чегириб ташланади. Солиқ тўловчи сарфлаган ва қиймати чет эл валютасида ифодаланган харажатлар қиймати миллий валютада ифодаланган харажатлар билан жамлаб ҳисобга олинади”.²⁶ Юқоридагилардан кўриниб турубдики туристик ташкилотлар амалиётида ҳозирги вақтда харажатлар ҳисобини олиб боришда, уларни фаолият турлари ўртасида тақсимлашда турли мунозаралар ва тортишувларга олиб келаётган муоммолар мавжуд. Туризм фаолиятини кун сайин ривожланиб, раванқ топиб бориши, туристик хизматларни кўрсатувчи туристик корхоналарнинг кундан-кунга кўпайиб бориши ушбу муоммони республика миқёсида ҳал қилишни тақозо этмоқда .

Профессор Уразов.К.Б ушбу масала бўйича шундай фикр билдирган “ Туристик ташкилотларда ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб харажатларни тўғри таснифлаш ҳисобланади. Бизнингча , бундай таснифлаш негизига, авваламбор, туристик корхоналар томонидан олиб борилаётган фаолият турлари, чунончи туризм фаолияти, меҳмонхона фаолияти, савдо фаолияти, молиявий фаолият ва бошқа фаолият турлари, шунингдек уларни қайси даврларга доирлиги ҳамда харажат моддалари

²⁶ “Солиқ кодекси” 21-боб, 141-модда.2007-йил.

олиниши лозим.”²⁷ Албатта биз туристик корхоналарини харажатлар ҳисобини тўғри юритишимиз биз фаолият олиб бораётган туристик корхонанинг биринчи навбатда хизмат таннарини пасайтиришга ва шу орқали бошқа рақобатдош корхоналардан бирмунча устун туриш имконини яратади.

Туристтик корхоналарда харажатларни албатта содир бўлган даврига, фаолият турлари бўйича ва корхонанинг ички харажатлар кўламлари бўйича таснифлаш мумкин. Албатта, биз агарда харажатларни даврларга мослаб олмайдиган бўлсак бизнинг фаолиятдан кўриладиган даврлар бўйича даромадларимиз бир-биридан жуда катта фарқ қилиши мумкин. Масалан, бизга малумки корхона учун энг этибор қаратиладиган ҳисоб предмети бу дебиторлик қарзи ҳисобланади. Агар биз дебиторлик қарзини малум бир сабабларга кўра ундира олмасак ва уни ушбу даврдаги корхона харажатига олиб борадиган бўлсак ушбу даврда корхона харажатлари кескин ошиб даромадни камайтириб юборади. Шу сабабли ҳам дебиторлик қарзлари учун резервлар ташкил қилиб бориш ва уларни шу давр бўйича харажатга олиб бориш лозим

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларни аудиторлик текширувидан асосий мақсад мажмуада амалга оширилган харажатларнинг республикамизда қабул қилинган қонунлар, қарорлар, низомлар, БҲМСлардан четлашмаган ҳолда амалга оширилганлиги, харажатларга оид ахборотларнинг тўғрилиги ва харажатларга доир операцияларни тўғри хужжатлаштирилганлигини текшириш ва бюртмачига тўғри, аниқ хулоса тақдим этиш, аниқланган четланишларни тузатиш учун тегишлича таклифлар беришдан иборат.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текширувидан ўтказишнинг асосий вазифалари қуйидагилар.

✚ Амалга оширилган харажатларни мақсадлилигини текширувдан ўтказиш;

²⁷Проф Уразов.К.Б. Худойбердиев.Н.У “Туристтик фирмалар бухгалтерия ҳисоби”.

✚ Амалга оширилган харажатларни тўғри расмийлаштирилганлигини текширувдан ўтказиш;

✚ Материаллар чиқими бўйича ФИФО, ЛИФО ва АВЕСО усуллари хисоб сиёсатида белгиланган тартибда амалга оширилганлигини текширувдан ўтказиш;

✚ Меҳнат ҳақи харажатларини тўғри ҳисобланганлигини ва бу корхонада ходимлар бўйича бошқа ахборот манбаларига тўғри келишлигини текширувдан ўтказиш;

✚ Ходимлар иш ҳақи асосида ҳисобланадиган ижтимоий суғуртага ажратмаларни тўғри ҳисобланганлигини текширувдан ўтказиш ва ҳисоб-китобларни вақтида амалга оширилганлигини текширувдан ўтказиш;

✚ Ташкилотда асосий воситаларга ҳисобланган эскириш сўммаларини асосий восита хизмат қилаётган ёки хизмат қилган ишлаб чиқариш тармоғи харажатларига киритиш ва ташкилот ҳисоб сиёсатида белгиланган эскириш усуллари қўлланганлигини текширувдан ўтказиш;

✚ Бошқа харажат турларини тўғри хужжатлаштирилганлигини ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумий ишлаб чиқариш харажатларини тўғри тақсимланганлигини текширувдан ўтказиш;

✚ Харажатлар ҳисоби бўйича бюртмачига тўғри ва аниқ хулоса тақдим этиш;

✚ Амалга оширилган камчиликларни тузатиш бўйича тегишлича таклифлар тақдим этишдан иборат.

2.3. Туристтик хизмат кўрсатувчи субъект аудитини аудитнинг халқаро стандартларига мослаштириш масалалари.

Бугунги кунда бутун жаҳон иқтисодиётида бухгалтерия ҳисобининг халқаро интеграциялашуви кузатилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро интеграциялашуви халқаро сармоядорлар, кредиторлар ва менежерларнинг халқаро бизнес фаолиятлари тўғрисида ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида миллий бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва стандартларидаги умумий ва илғор тажрибаларни мужассамлантириш асосида ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобининг халқаро ўлчовлари ва тамойилларига ўтиш жараёнидир. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турубдики бухгалтерия ҳисобининг халқаро интеграциялашуви мамлакатимизда хусусан туризм соҳасида ҳам аудитни халқаро стандартларга мослаштиришни тақазо этади. Бунга асосий сабаб Э.С.Хендрексин айтиб ўтганидек “ - бухгалтерия ҳисоби маълумотлари фақатгина аудитор тасдиғи туфайлигина объективликка эришади” деб ҳисоблаймиз. Халқаро аудиторлик фаолиятини тартиб га солиб турувчи ташкилот бўлиб Бухгалтерларнинг Халқаро Федерацияси Қўмитаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу қўмита аудит халқаро стандартларини қарор топтириш, бухгалтер ва аудиторлар этикасини ишлаб чиқиш, касб эгаларининг малакаси ва профессионал билимини ошириш ва такомиллаштиришга асосий эътибор қаратадиган ҳамда ИАСС билан ҳамкорликда ишлайдиган нодавлат ва нотижорат халқаро ташкилоти ҳисобланади.

Бизга малумки аудитнинг асосий мақсади корхонанинг молиявий ҳисоботи ва ушбу ҳисоботга алоқадор бошқа маълумотларни реаллигини ва қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ва тегишлича хулоса ва таклифлар беришдан иборатдир. Ушбу молиявий ҳисоботларда корхоналарнинг активлари, активларининг ташкил топиш манбалари, даромадлари ва харажатлари, корхона фаолияти натижалари ўз аксини топган бўлади. Аудитнинг халқаро стандартларида аудит қилиниши лозим

бўлган молиявий ҳисоботлар бу тадбиркорлик субъектининг тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан бошқарув юклатилган шахсларнинг назорати остида тайёрланган молиявий ҳисоботларидир деб келтирилган.

Муҳимлик концепцияси аудитор томонидан ҳам аудитни режалаштиришда, ҳам уни бажаришда ва аниқланган бузиб кўрсатишларнинг аудитга ва тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг (агар улар мавжуд бўлса) молиявий ҳисоботларга таъсирини баҳолашда қўлланилади.²⁸ Умуман олганда, бузиб кўрсатишлар, шу жумладан тушириб қолдиришлар, агар ўз-ўзича ёки бошқа бузиб кўрсатишлар билан жамулжам ҳолда, улар, оқилона тахминларга кўра, фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, муҳим деб баҳоланади. Муҳимлик тўғрисида мулоҳазалар юзага келган вазиятлар нуқтаи назаридан ва молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжлари, шунингдек бузиб кўрсатишларнинг ҳажми ва хусусияти ҳақида аудиторнинг тасаввури асосида ёки ҳам у, ҳам бу ҳақдаги тасаввур асосида чиқарилади. Аудиторлик фикри (хулосаси) умуман олганда молиявий ҳисоботларга тегишли бўлади ва шу сабабли аудитор молиявий ҳисоботлар учун умуман олганда муҳим ҳисобланмайдиган бузиб кўрсатишларни топиш учун жавоб бермайди.

200 сон АХС аудитор аудитни режалаштириш ва бажариш жараёнида профессионал мулоҳаза чиқаришини ва профессионал скептицизм принципига риоя этишини, шу жумладан:

- Тадбиркорлик субъекти ва унинг муҳитини, шу жумладан тадбиркорлик субъектининг ички назорат тизимини билиш асосида фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини аниқлаши ва баҳолашини.

²⁸ АХС 320 “Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик” ва АХС 450 “Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш”

- Баҳоланган рискларга жавобан тегишли ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали муҳим бузиб кўрсатишлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида етарлича тегишли аудиторлик далиллари олишини.
- Олинган аудиторлик далилларида келиб чиқиб чиқарилган хулосалар асосида молиявий ҳисоботлар хусусида фикрни таърифлашини талаб қилади.

Аудитор томонидан билдирилган фикр шакли молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосига ва ҳар қандай тегишли қонун ёки меъёрий ҳужжатга боғлиқ бўлади. Аудиторда аудит жараёнида аниқланган масалалар тўғрисида фойдаланувчилар, тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти, бошқарув юклатилган шахслар ёки учинчи томонларга ахборот бериш ва ҳисоботлар тақдим этиш бўйича бошқа мажбуриятлар бўлиши ҳам мумкин. Бундай мажбуриятлар АХСда ёки тегишли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларда белгиланиши мумкин.²⁹

Молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказишда аудиторнинг умумий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Молиявий ҳисоботлар умуман олганда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш; бу аудиторга молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосига мувофиқ тайёрлангани тўғрисида фикр билдириш имконини беради; ва
2. Молиявий ҳисоботлар хусусида АХС талабларига мувофиқ аудитор хулосаларига мос равишда ҳисобот (хулоса) тақдим этиш.


²⁹ Масалан, қаранг: АХС 260 “Бошқарув юклатилган Бошқарув юклатилган шахслар билан ахборот алмашинуви” ва АХС 240 “Молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказишда аудиторнинг фирибгарликка нисбатан мажбуриятлари” банди.

Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асос – Тадбиркорлик субъекти фаолияти моҳияти ва молиявий ҳисоботларнинг мақсади нуктаи назаридан мақбул бўлган ёки қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларда талаб қилинадиган, тадбиркорлик субъекти раҳбарияти ёки, зарур ҳолларда, бошқарув юклатилган шахслар томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган молиявий ҳисоботни тақдим этиш асоси.



4-расм. Молиявий ҳисобот шакллари.

Бошқа умумлашган даромад - бошқа МХХСларда талаб этилганидек ёки рухсат этилганидек фойда ёки зарар сифатида тан олинмайдиган даромад ва харажат моддаларини (жумладан қайта таснифлаш бўйича тузатишларни) қамраб олади.



5-расм: Бошқа умумлашган даромадлар.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эйтириладиган маълумотлар

1	•асосий воситалар
2	•инвестицион мулк
3	•номоддий активлар
4	•молиявий активлар
5	•улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар
6	•биологик активлар
7	•товар-моддий захиралар
8	•савдо бўйича ва бошқа дебиторлик қарзлари
9	•нақд пуллар ва нақд пул эквивалентлари
10	•сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган активлар
11	•савдо бўйича ва бошқа кредиторлик қарзлари
12	•Резервлар
13	•молиявий мажбуриятлар
14	•жорий солиқ бўйича мажбуриятлар
15	•муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари
16	•сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган мажбуриятлар
17	•капитал таркибида акс эйтирилган, назорат кучига эга бўлмаган улушлар
18	•бош ташкилотнинг мулк эгаларига тегишли бўлган, чиқарилган капитал ва капиталдаги резервлар

6-расм: Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эйтириладиган
маълумотлар.

**Фойда ёки зарар бўлимида ёки
фойда ёки зарар тўғрисидаги
ҳисоботда қуйидаги маълумотлар
келтирилиши керак**

одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад

**амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинадиган
молиявий активларни тан олишни тўхтатишдан юзага
келадиган фойда ва зарарлар**

молиявий харажатлар

**улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган
қарам тадбиркорлик субъектларининг ва қўшма
корхоналарининг фойда ёки зараридаги улуши**

**агар молиявий актив қайта таснифланиб, ҳаққоний қиймат
бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, олдинги баланс қиймати
билан унинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қиймати
ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай фойда ёки
зарар**

солиқ харажати

жами тугатилган фаолиятлар бўйича ягона сумма

**7-расм: Фойда ёки зарар бўлимида ёки фойда ёки зарар тўғрисидаги
ҳисоботда келтириладиган маълумотлар**

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини аудитнинг халқаро стандартларига мослаштиришдан асосий мақсад берилган аудиторлик ҳисоботи фойдаланувчиларининг кўламини кенгайтириш ҳисобланади. Агарда биз туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини аудитнинг халқаро стандартларига мослаштира олсак ва ушбу асосда аудиторлик текширувини олиб борсак қуйидагиларга эришишимиз мумкин.

1. Хорижий инвесторлар аудиторлик хулосасидан фойдаланиш даражаси ортади,
2. Туризм соҳасига инвестиция кириб келиши кўпаяди,
3. Халқаро бозорда рақобатбардош туризм даражасига эришиш мумкин.

Бунинг учун дастлаб туристик хизмат кўрсатувчи субъект ўз молиявий ҳисоботларини МҲХС ларига мувофиқлаштириши лозим.

III-БОБ. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар аудитидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари.

3.1. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларни текширишдаги камчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари.

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитнинг муҳимлигини ва қанчалик аҳамият касб этишини юқоридаги бобларда кўриб чиқдик.

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аудитор тамонидан ҳисобнинг ҳар бир жабҳасига этиборини қаратиши лозим. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текширувининг бошланиши бу корхонанинг ҳисоб сиёсати билан танишишдан бошланиши керак деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳисоб сиёсати корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш қонун қоидаларини ўзида мужассамлаштирган бухгалтернинг ойнасидир.

“TRIPE ORIENT” МЧЖ да 2018 йил 1 январ ҳолатига корхонанинг ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган. Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

“TRIPE ORIENT” МЧЖда асосий воситалар корхона фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аудитор қуйидаги аудиторлик хатарига дуч келиши мумкин:

1. Асосий воситаларни ҳисобини йуритиш ҳисоб сиёсатидан четланган ҳолда юритилган бўлиши мумкин;
2. Асосий воситаларнинг ҳисоб ва баланс қийматлари ҳақиқий суммаси нотўғри топилиши мумкин;
3. Счёт-фактуралар ва бошқа бошланғич ҳужжатлардаги камчиликлар тўлиқ кўрсатилмай қолиниши мумкин;
4. Асосий воситалар амортизатсияси меъёрлари нотўғри қўлланилганлиги кўрсатилмай қолиниши мумкин;
5. Солиқга тортиш объектига тортиладиган ўртача йиллик қийматини нотўғри топилганлиги аниқланмай қолиниши мумкин;

6. Асосий воситаларни сотиш, ликвидация қилиш, бепул бериш, ижарага бериш ва бошқа ҳоллари бўйича даромад ва ҳаражатлар нотўғри топилган бўлиши мумкин;

7. Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай қолиниши мумкин;

8. Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай қолиниши ёки нотўғри берилиши мумкин.

“TRIPE ORIENT” МЧЖнинг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги баланси маълумотлари ва корхонада мавжуд асосий воситалар инвентаризация натижалари солиштириб кўрилди ва четланишлар аниқланмади.

“TRIPE ORIENT” МЧЖнинг асосий воситалари аудиторлик текширувининг солиштирама далолатномаси.

9-жадвал

№	Асосий восита номи	Ҳисобот маълумотига кўра	Аудиторлик текшируви натижасига кўра	Фарқи
1	Мебел ва офис жихозлари	5 719 069,62	5 719 069,62	0
2	Компютер ва ҳисоблаш техникаси	4 795 116,89	4 795 116,89	0
3	Транспорт воситалари	452 209 034,29	452 209 034,29	0
	Жами	462 723 220,80	462 723 220,80	0

“TRIPE ORIENT” МЧЖ 01.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача бўлган фаолият даври аудиторлик текширувидан ўтказилганда корхона фаолиятида қуйидаги камчиликлар аниқланган.

1. Корхонага асосий воситаларни сотиб олишда берилган бухгалтерия ёзувлари бўйича.

Асосий воситалар кими аудит қилинганда корхона 2 500 000.00 сўмлик офис мебелини сотиб олганлиги ва асосий воситани ким қилишда қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилганлиги аниқланди.

1. Офис мебелини сотиб олиш қийматига.

Дт: 0820 Кт: 6010 Сумма: 2 500 000.00

2. Мебелни олиб келиш ва ўрнатиш.

Дт: 0140 Кт: 6990 Сумма: 193 403.26

3. Офис мебелини асосий восита қилиб ким қилиниши.

Дт:0140 Кт: 0820 Сумма: 2 500 000.00

21 сон БХМСга кўра эса ушбу хўжалик операциялари бўйича қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилиши лозим эди.

1. Офис мебелини сотиб олиш қийматига.

Дт: 0820 Кт: 6010 Сумма: 2 500 000.00

2. Мебелни олиб келиш ва ўрнатиш.

Дт: 0820 Кт: 6990 Сумма: 193 403.26

3. Офис мебелини асосий восита қилиб ким қилиниши.

Дт:0140 Кт: 0820 Сумма: 2 693 403.26

Кобалт автомашинасини сотиб олишда эса барча автомашинани сотиб олиш қийматига

Дт: 0160 Кт: 6010 Сумма: 30 510 864,85

каби бухгалтерия ёзувини амалга оширган қолган харажатларни барчасини 9430 бошқа давр харажатларига олиб борган.

21-сон БХМС кўра асосий воситаларни сотиб олишда асосий воситаларни сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар 0820 счётада йиғилиб сўнгра 0100 га олиниши лозим. Асосий воситаларни сотиб олишда асосий воситани қийматини ошишига олиб келадиган харажатлар 5 сон БХМС белгилаб қўйилган. Ушбу стандартга кўра асосий воситалар корхона балансига сотиб олиш қиймати (етказиб берувчига тўланган сумма) ва асосий

воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олган бошланғич қиймати бўйича киритилиши лозим.

“TRIPE ORIENT” МЧЖ барча асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни бир моромли усулидан фойдалани ўз ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйган ва ушбу усулдан фойдаланиб келмоқда.

“TRIPE ORIENT” МЧЖнинг асосий воситаларига эскириш ҳисоблашнинг аудиторлик текширувининг солиштирма далолатномаси.

10-жадвал

№	Асосий восита номи	Ҳисобот маълумотига кўра	Аудиторлик текшируви натijasига кўра	Фарқи
1	Мебел ва офис жихозларига ҳисобланган эскириш	723 944,18	723 944,18	0
2	Компютер ва ҳисоблаш техникасига ҳисобланган эскириш	4 795 116,89	4 795 116,89	0
3	Транспорт воситаларига ҳисобланган эскириш	90 475 839,17	90 475 839,17	0
	Жами	95 994 900.24	95 994 900.24	0

Корхонада асосий воситаларга ҳисобланган эскиришнинг синтетик ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинди.

1. Мeбел ва офис жихозларига ҳисобланган эскириш.

Дт: 9420 Кт:0240 Сумма:723 944.18

2. Транспорт воситаларига ҳисобланган эскириш.

А) Ҳизмат кўрсатиш билан боғлиқ асосий воситалар.

Дт: 2010 Кт:0260 Сумма:71 258 145.23

Б)Маъмурият билан боғлиқ асосий воситалар.

Дт: 9420 Кт:0260 Сумма: 19 217 693.94

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда актив турларидан яна бири бу номоддий активдир. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда номоддий активларни аудиторлик текширувидан ўтказишдан асосий мақсад бу корхонада номоддий активлар ҳисобини баҳолашдан, номоддий активлар ҳисобини қонун ҳужжатларига мослигини текширишдан ва номоддий активлар ҳисоби бўйича аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва номоддий активлар ҳисобини яхшилаш бўйича тавсиялар беришдан иборатдир. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда номоддий активларни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аудитор қуйидаги аудиторлик хатарига дуч келиши мумкин.

1.Номоддий активларнинг ҳисоб ва баланс қийматлари ҳақиқий суммаси нотўғри топилиши мумкин

2.Номоддий активлар ҳисобидаги камчиликлар тўлиқ кўрсатилмай қолиниши мумкин.

3.Солиқга тортиш объектига тортиладиган ўртача йиллик қийматни нотўғри топилганлиги аниқланмай қолиниши мумкин

4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай қолиниши ёки нотўғри берилиши мумкин

“TRIPE ORIENT” МЧЖ номоддий активлари аудиторлик текширувидан ўтказилганда ташкилотда қуйидаги номоддий активлар мавжудлиги аниқланди.

1. Савдо белгиси;

2. Лицензия.

11-жадвал

№	Номоддий актив номи	Суммаси
1	Савдо белгиси	188 816,00
2	Лицензия	677 910,00
	Жами	866 726,00

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) "Номоддий активлар" га асосан яни “Номоддий активлар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан қопланади. Амортизация қилинган киймат фойдали хизмат муддати мобайнида сурункали равишда корхона харажатларига амортизация ажратмалари тарзида тақсимланади.” деб келтирилган. Аммо корхона номоддий активларига 2018 йил давомида эскириш ҳисобланмаган.

Биз корхонанинг номоддий активларига эскириш ҳисоблашни ва қуйидагича бухгалтерия ёзувларини беришни тавсия қиламиз.

1. Лицензияга эскириш ҳисобланди.

ДТ: 2010 КТ: 0510

2. Савдо белгисига эскириш ҳисобланди.

ДТ: 9410 КТ: 0520

“TRIPE ORIENT” МЧЖ туристик хизмат кўрсатиш билан бир қаторда савдо фаолияти билан ҳам шуғулланади. Туристик хизмат кўрсатувчи корхоналарда аудитор ТМЗларни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида қуйидаги аудиторлик хатарларига дуч келиши мўмкин.

Ишлаб чиқариш захиралари бўйича:

- 1.Ишлаб чиқариш захираларининг ҳисоб ва баланс қийматлари ҳақиқий суммаси нотўғри топилиши мумкин
- 2.Счё-фактуралар ва бошқа бошланғич ҳужжатлардаги камчиликлар тўлиқ кўрсатилмай қолиниши мумкин.
3. Ишлаб чиқариш захираларини сотиш, бепул бериш ва бошқа ҳоллари бўйича даромад ва ҳаражатлар нотўғри топилган бўлиши мумкин
- 4.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай қолиниши мумкин
- 5.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай қолиниши ёки нотўғри берилиши мумкин.

Тайёр маҳсулот ва товарлар бўйича:

- 1.Тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг ҳисоб ва баланс қийматларининг ҳақиқий суммалари нотўғри топилиши мумкин
- 2.Счё-фактуралар ва бошқа бошланғич ҳужжатлардаги камчиликлар тўлиқ кўрсатилмай қолиниши мумкин.
3. Тайёр маҳсулотлар ва товарларни сотиш, бепул бериш ва бошқа ҳоллари бўйича даромад ва ҳаражатлар нотўғри топилган бўлиши мумкин
- 4.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай қолиниши мумкин
- 5.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай қолиниши ёки нотўғри берилиши мумкин

“**TRIPE ORIENT**” МЧЖнинг товар моддий захиралари текширилганда корхонада 2018 йил давомида қуйидаги товар моддий захираларнинг мавжудлиги аниқланди.

12-жадвал

№	Номи	Ҳисобот маълумотларига кўра				Аудит маълумотларига кўра			
		йил бошига	кирим	чиқим	охирги қолдиқ	йил бошига	кирим	чиқим	охирги қолдиқ
1	Хомашё материаллар	2 026 000,00	-	-	2 026 000,00	2 026 000,00	-	1 126 000,00	900 000,00
2	Товарлар	-	304 726 694,34	304 726 694,34	-	-	304 726 694,34	304 726 694,34	-
	Жами	2 026 000,00	304 726 694,34	304 726 694,34	2 026 000,00	2 026 000,00	304 726 694,34	305 852 694,34	900 000,00

Корхонада товар моддий захиралар ҳаракати бўйича хомашё материаллар чиқими кўрсатилмаган ва товарларнинг устама суммаси алоҳида келтирилмаган.

Биз корхонага товарлар ҳисобини юритишда товарларни савдо шаҳобчасига кирим қилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувларини беришни тавсия қиламиз.

1. Товарларни сотиб олиш баҳосига.

ДТ: 2920 КТ: 6010

- ## 2. Устама сүммасига.

Д_Т: 2920 К_Т: 2980

Корхонада тур пакет таннархи калкуляцияси бўйича ҳам қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз. Корхона тамонидан корхона ходимлари хорижий мамлакатларга корхона хизматларини реклама қилиш ҳамда тур пакетларга харидорлар топиш мақсадида жўнатилган. Ушбу харажатлар корхонанинг давр харажатларига олиб борилган. Ушбу харажатларни содир бўлган вақтда келгуси давр харажати сифатида тан олишни ва ушбу турпакет таннархига киритишни тавсия қиламиз. **“TRIPE ORIENT”** МЧЖда турпакет аниқ бир шалда ишлаб чиқилмаган. Биз корхонага тур пакетни 5-иловада келтирилган шаклидан фойдаланишни таклиф қиламиз.

Корхонада даромадлар ва харажатларни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида қуйидагилар аниқланди. Текширув натижаларидан шу аниқ бўлдики масалан, 14-март 2018-йилда 5 663 952,00 сўмни даромад сифатида тан олишга СУРРЕНСЇ СЛОУД ГРОУП ЛИМИТЕДга тақдим

қилинган №1 номерли счёт фактура асос бўлган. СУРРЕНСЙ СЛОУД ГРОУП ЛИМИТЕДга хизмат кўрсатишга эса СУРРЕНСЙ СЛОУД ГРОУП ЛИМИТЕД билан тузулган №01/2015 номерли шартнома асос бўлган. « **TRIPE ORIENT** » МЧЖ ўзига берилган имтиёздан фойдаланган ҳолда берилган счёт фактурада қўшилган қиймат солиғи сўммаси келтирилмаган, чунки туристик хизматлар 2018-йилгача қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Ташкилотнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари фақатгина тайёр маҳсулотларни сотишдан, таварларни сотишдан ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлардан иборат эмас. Балки ташкилотнинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлари ҳам мавжуд. « **TRIPE ORIENT** » МЧЖ да 2018-йил ҳолатига асосий фаолиятдан олинган даромадлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини молиявий ҳисоботнинг 2-шакли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг 090-сатри орқали аниқлаб олдик. 2018-йил 31-декабр ҳолатига 2 463 663.48 сўмлиги аниқланди. Ушбу суммани реаллигини аниқлаш учун эса ушбу ташкилотда юрутиладиган бош китоб ва журнал ордер, қайдномалар текширилади. Ундан сўнг эса ташкилотда ушбу даромадлар бўйича берилган бухгалтерия ёзувлари текширилади. « **TRIPE ORIENT** » МЧЖ да ушбу ҳисобот даврида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилган.

Ташкилотнинг 2018-йилда асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг “Муддати ўтган кредиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар” мавжуд. Ушбу даромадни тан олинишига солиқ текшируви хулосаси асос бўлган.

« **TRIPE ORIENT** » МЧЖ нинг 2018-йил 31-декабр ҳолатига тузулган молиявий натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки ташкилотда молиявий фаолият бўйича даромадларнинг фақатгина

150-сатр - “Валюта курсидан даромадлар” - 46 885 017.04 сўм

даромади мавжудлиги аниқланди. “ИДИАЛ ВЗ ТУР” МЧЖ билан « TRIPE ORIENT » МЧЖ ўртасида 05.03.2018 йилда №31 номерли шартнома тузилган ва ушбу шартнома асосида “ИДИАЛ ВЗ ТУР” МЧЖ харидори бўлган « TRIPE ORIENT » МЧЖ га ўз меҳмонхона хизматини кўрсатган. Счёт фактурада кўрсатилган хизмат нархи 140,0 доллар миллий валютада 431 754.4 сўм қилиб кўрсатилган. “ИДИАЛ ВЗ ТУР” МЧЖ харидори «TRIPE ORIENT» МЧЖ билан тузган шартномасида ҳисоб-китобларни долларда амалга ошириши белгилаб қўйилган. 05.11.18 санада берилган бухгалтерия ёзувига эса таминотчи “Хива нурафшон сервис” МЧЖ тамонидан тақдим қилинган №61 номерли счёт фактура асос бўлган. “Хива нурафшон сервис” тамонидан кўрсатилган хизмат таминотчи “Хива нурафшон сервис” МЧЖ ва «TRIPE ORIENT» МЧЖ ўртасида тузулган 15.04.2016 санада тузилган № 25 номерли шартнома асос бўлган.

3.2 Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитни такомиллаштириш.

Аудитор тамонидан аудиторлик текшируви олиб бориш жараёнининг дастлабки ва аҳамият касб етадиган босқичи бу аудиторлик режаси ва дастурини тузиш босқичидир. Чунки айнан ушбу босқич аудиторлик текшируви жараёнининг кейинги давридаги иш олиб бориш жараёнини белгилайди. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларларда аудитор умумий режада аудит ўтказиш муддатлари ва аудит ўтказиш графигини тузишни, аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосаси тузишни назарда тутиши лозим. Режалаштириш чоғида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур:

- ❖ келгуси даврдаги вақт сарфи ҳисоб-китоби (такрорий аудит ўтказиш ҳолларида) ва ҳақиқий меҳнат харажатлари;
- ❖ аҳамиятлилиқ даражаси;
- ❖ аудиторлик гуруҳини тузиш,
- ❖ аудит ўтказишга жалб қилинадиган аудиторлар сони ва малакаси;

- ❖ аудиторларни, уларнинг малакавий даражалари ва лавозимларига мувофик аудит ўтказиладиган муайян бўлимларга таксимлаш;
- ❖ аудиторлик гуруҳининг барча аъзоларига йўл - йурик кўрсатиш,
- ❖ уларни мижознинг молия-хўжалик фаолияти билан таништириш ;
- ❖ аудиторлик гуруҳи раҳбарининг режа бажарилиши ва ёрдамчи аудиторлар ишлари сифати устидан назорат ўрнатиши;
- ❖ аудиторлик амалларини бажариш билан боғлиқ услубий масалаларни тушунтириш.

Амалиётда туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларни аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида кўп ҳолларда улар фаолиятини 100% тўлиқ текшириш имкони бўлмайди. Шу боисдан ҳам, аудитнинг режасида аудиторлик танлаш қандай йўл билан амалга оширилишини кўрсатиш ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Аудиторлик режаси ва дастури 1- ва 2-иловаларда келтириб ўтилган.

Аудитор режани пухта ва сифатли тузиш ҳамда ишларнинг кутилаётган ҳажмини аниқ ҳисобга олиш биринчи навбатда қуйидаги ишларни бажариши лозим бўлади:

- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномаси шартларини ўрганиши;
- ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши;
- махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши;
- текшириладиган корхона фаолиятининг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йуриқномалар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини ўрганиши; текшириладиган корхонанинг ҳисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилиқ даражасини аниқлаш;
- ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб қилиш мумкинлигини таҳлил қилиши;
- корхонанинг алоҳида балансга ажралиб чиқарилган филиаллари,

- ваколатхоналари, бўлимлари ва махсус булинмаларида аудит ўтказиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиши; экспертларни жалб қилиш зарурлигини аниқланиши лозим.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки аудитор томонидан туристик хизматлар аудитини ўтказиш чоғида аудит режасига тузатишлар киритилиши мумкин.

Аудиторлар текширув вақтида улар томонидан бажариладиган ишларнинг ҳажми ва сифатини тасдиқлайдиган, асосий ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланган, ишчи ҳужжатларни тузишлари лозим. Бу ҳужжатлар ихтиёрий шаклда тузилиб, уларда мижоз туғрисидаги зарур маълумотлар, бажариладиган ишларнинг батафсил баёни бўлиши лозим. Хусусан қуйидагилар кўрсатилади:

- текширув ўтказиш услуги (ёппасига ёки танлаб), ёки текшириладиган ҳужжатларнинг ҳажми;
- текширув натижасида аниқланган камчиликлар;
- текширувга тақдим этилмаган дастлабки ва бошқа ҳужжатлар рўйхати;
- амалдаги қонунчиликка мос келмасликлар;
- аниқланган камчиликларни бартараф қилиш усуллари туғрисида аудиторнинг фикрлари;
- мижозининг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тавсиялар.

Шунингдек, ишчи ҳужжатларда мижоз корхонанинг ички хўжалик назорат тизимини ақс эттириш зарур (ушбу тизимнинг ижобий томонлари ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатган ҳолда); ўтган йилдаги аудит дастури ва унинг натижалари. Ишчи ҳужжатлар аудитнинг яхши режалаштирилганлигини, тўпланган маълумотлар ишонарлилигини, аудиторлик ҳулосасининг амалга оширилган аудит натижаларига мувофиқлигини тасдиқлаши лозим. Зарур ҳолларда аудитор ҳақиқатан ҳам айнан шундай аудиторлик ҳулосаси тузиш учун етарли гувоҳликлар тўпланганлигини ҳам баҳолаш зарур. Ишчи ҳужжатларнинг тафсилоти

тасдиқланган молиявий ҳисоботдаги маълумотлардан фарк қилмаслиги ўта муҳимдир. Аудиторлик хулосалари яққол ва икки хил маъно билдирмайдиган бўлиши лозим.

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда аудитор текширувни амалга ошириш жараёнида қуйидагича аудиторлик солиштирма далолатномасини ва аудиторлик таҳлилий тестини ўтказса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда асосий воситалар аудити бўйича (3-ва 4- иловалар).
2. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда номоддий активлар аудити бўйича (6-ва 7-иловалар).
3. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда ТМЗлар аудити бўйича (8- ва 9-иловалар).
4. Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда даромад, харажат ва якуний молиявий натижалар аудити бўйича (10-илова).

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда бугунги кунда аудитордан фақатгина маълумотларни реаллигини текшириш эмас корхонада аудиторлик таҳлилини ўтказиш ва ушбу асосда аудиторлик таклифларни беришни ҳам тақазо қилмоқда. Шундан келиб чиқиб биз корхонанинг аудиторлик таҳлилидан ўтказишда 11-иловада келтирилган таҳлил кўрсаткичларидан фойдаланишни таклиф қиламиз.

IV-БОБ. Туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

4.1. Меҳнат ва ёнги хавфсизлиги масалалари

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган. Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим. Бу бевосита аудиторлик хизматларни кўрсатувчи субъектларга ҳам тегишлидир. Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади. Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади. Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тадқиқот олиб борган барча туристик ташкилотларда бу борада амалга оширилган ишларни тўла-тўқис,

деб бўлмайди. Ушбу муассаларнинг айрим бўлинмаларида электр симларининг изоляция қилинмаган жойлари мавжуд. Ташкилотда ходимлар билан меҳнат хавфсизлиги бўйича соҳа мутахассислари билан суҳбатлар ташкил этилмаган, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги масаласи бўйича алоҳида шахс масъул қилиб тайинланмаган. Бизнингча, келгусида ушбу камчиликларнинг бартараф этилиши тадқиқ этилган муассасаларда ходимлар ҳаёти хавфсизлигининг янада кучайишига олиб келади.

4.2. Ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора тadbирлари

«TRIPE ORIENT»МЧЖда ёнгин хавфсизлиги бўйича бир қатор ишлар қилинган. Жумладан, ёнгин содир бўлганда бинодан чиқиш схемаси, ёнгин ўчоғини ўт ўчирувчилар келгунча, ўчириш учун бинода ўт ўчириш мосламалари ўрнатилган. Ёнгиннинг олдини олиш учун иситиш қурилмаларининг барча талабларга жавоб бериши ҳар кунлик назорат остида. Яъни иситиш қурилмалари Давлат стандартлари талаблари асосида нормал меҳнат шароитини таъминлаш мақсадида, иш зонаси хавоси хароратининг белгиланган миқдорда булишини саклашга хизмат килади. Иситиш қурилмаларига қуйилган асосий талаблар ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво хароратини нормал миқдорда санитар-гигиеник талаблар асосида саклаш ва ишчилар учун соғлом иш шароитини таъминлашдан иборатдир. Меҳнат муҳофазаси нуктаи назаридан қараганда иситиш системалари ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойлари хавоси хароратини бутун иситиш мавсуми давомида бир хил булишини таъминлаши, ёнгин ва портлашга хавфсиз булиши, иссиқликни ростлаш имкониятини бериши, хавони ифлосламаслиги, шамоллатиш системалари билан боғлиқ булиши ҳамда фойдаланишда қулай булиши зарур. Маҳаллий иситиш-электрик, газли ёки бошқа турдаги иссиқлик манбаидан (кумир, утин ва б.) фойдаланувчи печкалар ёрдамида амалга оширилади ва улар асосан асосий ишлаб чиқариш биноларидан узоқда жойлашган биноларда ишлатилади. Марказий иситиш сув билан, буг билан, сув-буг билан ва ҳаво билан ишловчи қурилмаларга бўлинади. Сув билан иситиш қурилмалари фойдаланиш жиҳатидан энг қўлай

ва оддий ҳисобланади. Марказий сув билан иситиш системаларида иссиқлик тушувчи сифатида қайноқ сувдан фойдаланилади. Иситиш жихозлари сифатида эса силлик ва коургасимон трубалар ҳамда радиаторлар ишлатилади. Паст босимли сув билан иситиш системаларида сувнинг ҳарорати иситиш жихозларига кириш вақтида $-85-95^{\circ}\text{C}$, улардан қайтиб чиқишда эса $65-70^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади. Қайноқ сув буг қозонидан очик кенгайтирувчи бакга келиб тушади ва бу бак иситиш жихозларидан юқорида урнатилган бўлади. Кейин эса, сув оқими билан иситиш жихозларига, иситиш жихозларидан эса қайтиб яна қозонга тушади. Кенгайтирувчи бак сувини қайнаши натижасида кенгайишини мувозанатлаштиради ҳамда трубаларни ишдан чиқишидан саклайди. Бундан ташқари бу бак ёрдамида системага кириб қолган ҳаво чиқарилиб юборилади. Сувнинг бундай циркуляцияланиш схемаси каби ёки гравитацион система деб аталади. Бундай система сув қайнатиш қозонларидан энг узок жойлашган иситиш жихозларига бўлган масофа 50 м.дан ортиқ бўлмаган ҳамда қозон билан энг пастда жойлашган иситиш жихози орасидаги вертикал масофа 3 м.дан кам бўлмаган ҳолларда ишлатилади. Чунки шундай бўлган тақдирдагина табиий сув айланиш жараёни амлга ошади. Юқори босимли сув билан иситиш системаси механик сув айланишини юзага келувчи ёпик системадан ташкил топган бўлади. Юқори босимли иситиш системалари, жумладан иситиш жихозларида ҳарорат $120-135^{\circ}\text{C}$ га тенг. Буг билан иситиш системалари ҳам паст босимли (70кПа гача) ва юқори босимли (70кПа дан юқори босимли) бўлиши мумкин. Бунда буг иситиш жихозларида маълум ҳароратгача совийди ва конденсацияланади («сувга айланади»). Ҳосил бўлган қондисат эса қозонга қайтади. Ҳаво билан иситиш системаларида совуқ ташқи муҳит ҳавоси вентилятор ёрдамида қарориферларга узатилади ва қалофер орқали утишда исиган ҳаво ҳонага йуналтирилади. Агар иссиқ йуналтирилса, оқимнинг ҳарорати 70°C гача, 2,0 м баландликдан узатилса 45°C гача бўлиши талаб этилади.

Хулоса

Туристтик хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар туристтик хизматлар аудитини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотимиз қуйидаги хулосаларни қилиш ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш имкониятини берди: Амалдаги меъёрий хужжатлар ва адабиётларда туристтик хизмат тушунчасига турлича таърифлар берилган. Уларнинг айримлари туристтик хизматнинг мазмун мохиятини тўлиқ ўзида мужассам этмайди. Туристтик хизматнинг мазмун мохиятини чуқур тадқиқ этган ҳолда унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Туристтик хизмат – тур пакет асосида амалга ошириладиган, туристларнинг барча эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг талаб ва истакларини тўлиқ беками кўст қондириш бўйича туристтик ташкилотлар фаолиятининг махсули ҳисобланади. Адабиётларда туристтик хизматнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилмаган. Бизнингча туристтик хизматларни аудиторлик текширувидан ўтказишда туристтик хизматларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан туристтик хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича келтириб ўтамыз:

Биринчидан. Туристтик хизматлар моддий махсулот бўлиб ҳисобланмайди.

Иккинчидан. Хизматлар истеъмолчи ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасидан ташкил топганлиги сабабли, туристтик хизматларни кўрсатиш жараёни (ишлаб чиқариш) истеъмол билан бирга параллел равишда юз беради. Учинчидан. Туристтик хизматларнинг сақланмаслиги (сақлаш мумкин эмаслиги).

Туристтик хизматларни кўрсатувчи туристтик хизматлар аудитини ўтказиш чоғида аудитор маълум тамойиллар ва меъзонларга таянади. Бунда аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари каби, хусусий тамойилларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Булар: уйғунлик (комплекслик), узлуксизлик, макбуллик. Туристтик хизматлар аудитининг мақсадидан ва вазифаларидан келиб чиққан

ҳолда туристик хизматлар аудитини ўтказиш жараёнида бевосита аудиторлик далиллари тўпланади. Ушбу далиллар эса, аудит жараёнида фойдаланилган маълумотлар, ахборотлар эвазига шакллантирилади. Туристик хизматлар аудитини ўтказиш жараёнида фойдаланиладиган маълумотлар ва ахборотларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Уларнинг бир гуруҳи меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлса, иккинчи гуруҳи туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади. Туристик хизмат кўрсатиш натижасида мижоз томонидан маблағи келиб тушади, яъни даромадлар шаклланади. Аммо келиб тушган сумманинг ҳаммаси ҳам даромад сифатида тан олинмайди, қачонки, тур пакет бўйича белгиланган муддатда мижоз томонидан тур пакетда кўрсатилган хизматлардан фойдаланилгандагина туристик ташкилот ушбу суммаларни даромад сифатида тан олиши мумкин бўлади. Туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий маҳсулоти “туристик хизмат” бўлганлиги сабабли, хизмат кўрсатиш таннархига кирадиган харажатлар деганимизда ушбу туристик хизмат таннархига кирадиган харажатлар: жойлаштириш харажатлари, овқатлантириш харажатлари, ташиш харажатлари, экскурсион харажатлар, ҳордиқ чиқариш, кўнгил очиш ва маиший хизматлари учун харажатлар, спорт ва курорт дастурларини ташкил қилиш харажатлари, туристик сафар харажатлари ва бошқалар назарда тутилган бўлади. Бугунги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект сингари, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятининг ҳам бош мақсади фойда олиш бўлиб ҳисобланади. Туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда соф фойданинг олиши улар фаолиятининг самарадорлигини юқори бўлишини таъминлайди. Туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда харажатлар самарадорлиги дейилганда улар томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг натижавийлиги тушунилади. Бошқача айтганда, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда харажатлар самарадорлиги туристик хизматларни кўрсатиш жараёнида содир этилган харажатларнинг олинган фойда билан қопланиш

даражасини англатади. Туристик ташкилотлар фаолиятини тадқиқ этилган кўрсаткичлар бўйича баҳолаш ва аниқлаш, бу кўрсаткичларни қатор йиллар бўйича таҳлил қилиб чиқиш, уларда самарадорликни янада ошириш имкониятларини очиқ беради деб ҳисоблаймиз. Туристик хизматларнинг ҳар бир турини аудит кўригидан ўтказиш учун аудиторлар уни ўтказиш услубини чуқур билишлари лозим. Амалиётчи аудиторларнинг барчаси бугунги кунда бундай профессионал билим ва амалий кўникмаларга тўлиқ эга эмас. Шу боис ҳам, бизнингча, тармоқлар аудити, шу жумладан туристик ва меҳмонхона хизматлари аудити бўйича малакали аудиторларни тайёрлаш ва малакасини оширишни мажбурий тартиб сифатида ўрнатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2019
2. « Ўзбекистон Республикаси туризм тўғрисида»ги Қонуни. 1999 йил 20 августда қабул қилинган
- 3.«Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13-апрелда қабул қилинган.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326 сон Президент фармони.
6. “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 54-сонли қарори. (2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарор асосидаги ўзгартиришлар билан). 112
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. –Т.: Ўз. БАМА. 2004.
10. «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун Концептуал асос» Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, №475
11. №1 БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, №474
12. №2 БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, №483
13. №3 БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, №484

14. №4 БҲМС «Товар-моддий заҳиралар» Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 28 августда рўйхатдан ўтган, №486
15. №21 БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, №1181
16. Аудитнинг халқаро стандартлари. Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент, 2006
17. «Аудитни режалаштириш» номли 3-сон АМС -Т.: «Аудиторлар учун қўлланма», Ўз. БАМА.2004.
18. «Аудитни ҳужжатлаштириш» номли 6-сон АМС -Т.: «Аудиторлар учун қўлланма», Ўз. БАМА.2004. 113
19. «Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга этилишини текшириш» номли 25-сон АМС -Т.: «Аудиторлар учун қўлланма», Ўз. БАМА.2004.
20. «Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш» номли 3-сон АМС -Т.: «Аудиторлар учун қўлланма», Ўз. БАМА.2004.
21. «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳулосаси» номли 70-сон АМС -Т.: «Аудиторлар учун қўлланма», Ўз. БАМА.2004.

III. Асосий адабиётлар

21. Аннаев М.Б. Савдо корхоналарида даромадалр ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография. Т.: Наврўз. 2011. 95 бет.
22. Бобожонов О, Жуманиёзов К Молиявий ҳисоб . – Т: «Молия» 2002.
23. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т. : Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. 612 б.
24. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. / И.А. Завалишина. -2003
25. Комилова Ф.Қ. Халқаро туризм бозори: ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2006
26. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. -Т.: Молия. 2003. 220 б.
27. Санаев Н.С. Аудит. –Т.: Фан 2000. 31. Санаев Н., Нарзиев Р. «Аудит». Дарслик, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2001.
28. Пардаев М.Қ., Атабаев А. Туризм асослари: маърузалар матни. СамИСИ. 114
29. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Гаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. «Зарафшон» нашриёти ДК, Самарқанд, 2009.
30. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. I, II-қисмлар. Маъруза матнлари тўплами. СамИСИ. 2004.
31. Худойбердиев Н.У. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари. Самарқанд СамИСИ 2010.

V . Интернет сайтлари

<http://www.audit-it.ru/>

www.cer.uz

www.world-tourism.org

www.revieew.uz

www.aicpa.org [http://](http://www.audit-it.ru/)

www.audit-it.ru/

www.cer.uz

www.world-tourism.org

www.revieew.uz

www.aicpa.org

www.ziyonet.uz

**Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг
РЕЖАСИ**
(намунавий шакл)

Текширилаётган ташкилот: « **TRIPE ORIENT** » МЧЖ

Аудит даври: 20 кун

Киши/соатлар сони: 160.

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Яҳёев Т.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Яҳёев Т.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари даражаси: 18 %

Режалаштирилаётган аудиторлик исботи даражаси: 82 %

№	Режалаштирилаётган иш Турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳлар
1	Хўжалик юртувчи субъект ҳисоб сиёсати билан танишиши	1 кун	Яҳёев Т.	
2	Корхонанинг тамином жараёни билан танишиши	1кун	Яҳёев Т.	
3	Корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолияти билан танишиши	2 кун	Яҳёев Т.	
4	Корхонанинг узоқ муддатли активлари билан танишиши	3 кун	Яҳёев Т.	
5	Корхонанинг жорий активлари билан танишиши	3 кун	Яҳёев Т.	
6	Корхонанинг мажбуриятлари билан танишиши	3 кун	Яҳёев Т.	
7	Корхонанинг хусусий капитали билан танишиши	2 кун	Яҳёев Т.	
8	Корхонанинг даромад, харажат ва якуний молиявий натижалари билан танишиши	4 кун	Яҳёев Т.	
9	Аудитор натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	1кун	Яҳёев Т.	

Аудиторлик ташкилоти раҳбари: Яҳёев Т.

_____ (имзо)

Аудиторлик гуруҳи раҳбари:

_____ (имзо) Яҳёев Т.

Туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг

ДАСТУРИ

(намунавий шакл)

Текширилаётган ташкилот: « **TRIPE ORIENT** » МЧЖ

Аудит даври: 20 кун

Киши/соатлар сони: 160

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Яҳёев.Т.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Яҳёев.Т.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари даржаси: 18%

Режалаштирилаётган аудиторлик ҳисботи даражаси: 82 %

№	Аудит бўлимлари № бўйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчилар	Аудиторнинг ишчи хужжатлари	Текшириш усули
1	2	3	4	5	6
1	Корхонанинг таъкилий ҳуқуқий хужжатларини текшириш	1 кун	Яҳёев.Т.	Устав, тасис шртнома, лицензия	Тўлиқ
2	Корхонанинг асосий воситалар ва номоддий активларни текшириш	2 кун	Яҳёев.Т.	Молиявий ҳисоботнинг 1- шакли, журнал- ордерлар; Ҳисоб- китоб қайдномалари, иш ҳақи китоби	Тўлиқ
3	Корхонанинг инвестиция фаолиятини текшириш	1 кун	Яҳёев.Т.	Молиявий ҳисоботнинг 1- шакли, журнал- ордерлар; Ҳисоб- китоб қайдномалари	Тўлиқ
4	Корхонанинг ТМЗларини текшириш	2 кун	Яҳёев.Т.	Молиявий ҳисоботнинг 1 – шакли, Журнал- ордерлар; Ҳисоб- китоб қайдномалари	Тўлиқ
5	Корхонанинг кўрсатилган хизмат калькуляцияси ва асосий ишлаб чиқариш	2 кун	Яҳёев.Т.	Журнал-ордерлар; Ҳисоб-китоб қайдномалари	Тўлиқ

	<i>харажатларини текишириши</i>				
6	<i>Корхонанинг дебиторлик қарзларини текишириши</i>	2 кун	Яҳёев.Т.	<i>Журнал-ордерлар; Ҳисоб-китоб қайдномалари</i>	<i>Тўлиқ</i>
7	<i>Корхонанинг пул маблағларини текишириши</i>	2 кун	Яҳёев.Т.	<i>Молиявий ҳисоботнинг 1 ва 4-шакллари, моддий жовабгар шахснинг ҳисоботлари, тегишли журнал ордер ва қайдномалар, бирламчи хужжатлар</i>	<i>Тўлиқ</i>
8	<i>Корхонанинг кредиторлик қарзларини текишириши</i>	2 кун	Яҳёев.Т.	<i>Молиявий ҳисоботнинг 1- шакли, журнал- ордерлар; Ҳисоб- китоб қайдномалари, иш ҳақи китоби</i>	<i>Тўлиқ</i>
9	<i>Корхонанинг хусусий капиталини текишириши</i>	2 кун	Яҳёев.Т.	<i>Молиявий ҳисоботнинг 1 ва 5-шакли, журнал- ордерлар; Ҳисоб- китоб қайдномалари</i>	<i>Тўлиқ ва танланма</i>
10	<i>Корхонанинг даромад ва харажатлари ва якуний молиявий натижаларини текишириши</i>	3 кун	Яҳёев.Т.	<i>Молиявий ҳисоботнинг 1 ва 2-шакллари, Журнал-ордерлар; Ҳисоб-китоб қайдномалари</i>	<i>Тўлиқ ва танланма</i>
11	<i>Аудит натижаларини умумлаштириши ва расмийлаштириши</i>	1 кун	Яҳёев.Т.		

Аудиторликташкilotираҳбари: Яҳёев.Т.
_____ (имзо)

Аудиторликгуриҳираҳбари:
_____ (имзо) Яҳёев.Т.

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда асосий воситалар аудитининг солиштира далолатномаси					
Кўрсаткич номи	Баланс малумотига кўра	Айланма қайднома малумотига кўра	Бош китоб малумотига кўра	Аудиторлик текшируви натijasига кўра	Фарқи
Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати					
Асосий воситаларнинг жамланган эскириши					
Қолдиқ қиймати					
Жами					

**Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда даромад ва
харажатларни даромад ва харажат сифатида тан
олинганлигининг аудитор таҳлилий тести**

Кўрсаткич номи	Ҳисоб сиёсатига	54-сон НИЗОМг а	Солиқ Кодексиг а	Бухгалтери я ҳисоби тўғрисидаги қонунга
Даромадлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Харажатлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Соф фойда	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас

“ TRIPE ORIENT ” МЧЖнинг Самарқанд – Бухоро ўн кишига уч кунга мўлжалланган тур пакет бўйича калкулятсияси.

№	Харажат турлари	бир кишига	ўн кишига
	Алоҳида харажатлар		
1	Соат 09:30 да Самарқанд аэропортидан кутиб олиш ва овқатлантириш	5 \$	50 \$
2	Соат 11:00 да меҳмонхонага жойлаштириш ва меҳмонхона харажати (бир кишилиқ хона)	20 \$	200 \$
3	Соат 13:00 да меҳмонхонадан олиш ва регистон ёдгорлигини зиёрат қилиш (Белит пули)	6 \$	60 \$
4	Соат 15:00 да Регистон зиёратгоҳидан олиш ва овқатлантириш	5 \$	50 \$
5	Соат 16:00 да ресторандан олиб Шохи Зинда зиёратгоҳига олиб бориш (Белит пули)	6 \$	60 \$
6	Соат 18:00да Шохи Зинда зиёратгоҳидан Улуғбек расадхонасига ўтиш	4 \$	40 \$
7	Соат 20:00 да Улуғбек расадхонасидан овқатланишга (Овқатланишдан меҳмонхонага)	5 \$	50 \$
8	Соат 08:00 да меҳмонхонадан овқатланишга	3 \$	30 \$
9	Соат 09:00 да меҳмонхонадан Имом Ал Бухорий зиёратгоҳига (белит пули)	6 \$	60 \$
10	Соат 12:00 да Имом Ал Бухорийдан Бухорога ва овқатланиш	7 \$	70 \$
11	17:00га Чор Минор мажмуаси (белит пули)	5 \$	50 \$
12	Чор Минор мажмуасидан овқатланишга	6 \$	60 \$
13	Овқатланишдан меҳмонхонага	18 \$	180 \$
14	Соат 08:00 да меҳмонхонадан овқатланишга	4 \$	40 \$
15	Соат 09 :00 да овқатланишдан Абдуллахон мадрасасига	4 \$	40 \$
16	Соат 11:00 да Абдуллахон мадрасасидан Минораи калонга	5 \$	50 \$
17	Соат 13:00 да Минораи Калондан овқатланишга	6 \$	60 \$

18	Соат 14:00 да овқатланишдан Моғоки аттор масжидига	5 \$	50 \$
19	Соат 16:00 да Моғоки Аттордан Самарқандга ва Самарқанд аерапортидан кузатиш	120,00	1 200,00
	Жами		
	Умумий харажатлар		
20	Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш	91 199 $783 \cdot 3 / (8400 \cdot 365) = 89$	\$
21	Иш ҳақи	$30\$ \cdot 3 = 90\$$	
22	Ягона ижтимоий тўлов	$90\$ \cdot 0,12 = 10,8$	\$
23	Бошқа харажатлар	50	\$
	Умумий харажатлар жами	239	\$
	Тур пакет таннархи	1439,8	\$

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда номоддий активлар аудитининг солиштирма далолатномаси					
Кўрсаткич номи	Баланс малумотига кўра	Айланма қайднома малумотига кўра	Бош китоб малумотига кўра	Аудиторлик текшируви натijasига кўра	Фарқи
Номоддий активларнинг бошланғич қиймати					
Номоддий активларнинг жамланган эскириши					
Қолдиқ қиймати					
Жами					

**Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда даромад ва
харажатларни даромад ва харажат сифатида тан
олинганлигининг аудитор таҳлилий тести**

Кўрсаткич номи	Ҳисоб сиёсатига	54-сон НИЗОМг а	Солиқ Кодексиг а	Бухгалтери я ҳисоби тўғрисидаги қонунга
Даромадлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Харажатлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Соф фойда	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда даромад ва харажатларни даромад ва харажат сифатида тан олинганлигининг аудитор таҳлилий тести				
Кўрсаткич номи	Ҳисоб сиёсати	54-сон НИЗОМга	Солиқ Кодексига	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга
Даромадлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Харажатлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Соф фойда	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда асосий воситалар аудитининг солиштира далолатномаси						
Кўрсаткич номи	Баланс малумоти га кўра	Айланма қайднома малумоти га кўра	Бош китоб малумоти га кўра	Омбор мудир хисоботи га кўра	Аудиторли к текшируви натijasига кўра	Фарқ и
ТМЗлар кирими						
ТМЗлар чиқими						
Қолдик						
Жами						

Туристтик хизмат кўрсатувчи субъектларда даромад ва харажатларни даромад ва харажат сифатида тан олинганлигининг аудитор таҳлилий тести					
Кўрсаткич номи	Ҳисоб сиёсати	54-сон НИЗОМга	Солиқ Кодексига	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга	21-сон БҲМС
Даромадлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Харажатлар	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас
Соф фойда	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас	мос ёки мос эмас

**Туристтик хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини
ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларининг иқтисодий моҳияти
ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти	Кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш алгоритми
1. Миқдор кўрсаткичлар			
1	Жами туристик хизматлар кўрсатилган миқдорлар сони	Ҳисобот даврида жами туристик хизматлар кўрсатилган миқдорлар сонини билдиради	$\sum MC = X_{n1} * M + X_{n2} * M + \dots + X_{nn} * M$ Бу ерда: M - тегишли турдаги хизматлар кўрсатилган миқдорлар сони
2	Туристтик ташкилоти ходимлари сони	Ҳисобот даврида туристик ташкилотлар ходимлари сонини билдиради	$\sum BC = B_{n1} + B_{n2} + \dots + B_{nn}$ Бу ерда: B _{n1} , B _{n2} , B _{nn} - тегишли турдаги хизматларни кўрсатган бўлимлар
3	Туристтик хизматлардан олинган даромад	Ҳисобот даврида туристик хизматлардан олинган даромадни билдиради	$\sum YCT = CT_{np} + CT_{pk} + CT_{bk}$ Бу ерда: ∑YCT – туристик хизматлардан олинган жами ялпи тушум CT _{np} – нақд пулга кўрсатилган хизматлар ҳақи CT _{pk} – пластик карточкалар орқали кўрсатилган хизматлар ҳақи CT _{bk} - нақдсиз пулга кўрса тилган хизматлар ҳақи
4	Кўрсатилган туристик хизматлари таннари	Ҳисобот даврида кўрсатилган туристик хизматлар таннарини билдиради	$T_{xt} = M_x + I_x + C_x + A_x + B_x$ Бу ерда: T _{xt} - Туристтик хизматларнинг жами таннари M _x – материал харажатлар I _x - иш ҳақи харажатлари C _x – YCT харажатлари A _x – амортизация харажатлари B _x - бошқа харажатлар
5	Туристтик ташкилотнинг ялпи фойдаси	Ҳисобот даврида туристик ташкилот томонидан олинган ялпи фойдани билдиради	$YF = \sum YCT - T_{ptx}$
6	Туристтик ташкилотнинг соф фойдаси	Ҳисобот даврида туристик ташкилот томонидан олинган соф фойдани билдиради	$CF = YF + Bd - Bx - C$ Бу ерда: Bd– бошқа даромадлар; B _x -бошқа харажатлар; C-солиқлар ва тўловлар

2. Сифат кўрсаткичлар			
1	1 та ходимгага тўғри келадиган туристик хизматлар кўрсатилган мижозлар сони	Ҳисобот даврида 1 та ходимгага тўғри келадиган туристик хизматлар кўрсатилган мижозлар сонини билдиради	$\frac{Мс}{\ddot{Y}_{мс}} = \frac{ПС}{\text{Бу ерда:}}$ $Мс\text{-- жами мижозлар сони;}$ $Пс\text{-- жами персонал сони}$
2	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача туристик хизматлари ҳақи	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача туристик хизматлари ҳақини билдиради	$\ddot{Y}_{мст} = \frac{\sum ЯСТ}{Мс}$
3	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача туристик хизматлари таннархи	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача туристик хизматлар таннархини билдиради	$\ddot{Y}_T = \frac{T_{пхт}}{Мс}$
4	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача туристик хизматлардан олинган ялпи фойда	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача туристик хизматларидан олинган ялпи фойдани билдиради	$\ddot{Y}_{яф} = \ddot{Y}_{мст} - \ddot{Y}_T$
5	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача бошқа харажатлар (солиқ тўловлари билан бирга)	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача бошқа харажатлар (солиқ тўловлари билан бирга)ни билдиради	$\ddot{Y}_{бх} = \frac{Бх + С}{Мс}$
6	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача соф фойда	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача соф фойдани билдиради	$\ddot{Y}_{сф} = \ddot{Y}_{яф} - \ddot{Y}_{бх}$
7	та мижозга тўғри келадиган ялпи тушум рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача ялпи тушум рентабеллигини билдиради	$Р_{ят} = \frac{\ddot{Y}_{сф}}{\ddot{Y}_{мст}}$
8	1 та мижозга тўғри келадиган ялпи харажатлар рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача ялпи харажатлар рентабеллигини билдиради	$Р_{ят} = \frac{\ddot{Y}_{сф}}{\ddot{Y}_T + \ddot{Y}_{бх}}$
9	1 сўмлик устав капиталнинг рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 сўмлик ўртача устав капитали рентабеллигини билдиради	$Р_{мх} = \frac{СФ}{Ук}$ $Ук\text{-- устав капиталнинг ўртача йиллик суммаси}$